

83
3-88

ри ЗИЯМУХАМЕДОВ



СОҒЛОМ БОЛА ШАХСИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество преданных
вдачу

--	--

66.

83
3-88

Бўри Зивмухамедов

1944 й. 7. 7.
Ташкент шаҳри
№ 1

0082/2

СОҒЛОМ БОЛА ШАХСИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHIO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Тошкент
«Tafakkur gahoti» нашриёти
2014 й.

ISBN 978-9953-0-0000-0

Масъул муҳаррир:

Фелисифа Ғаниари доктори, профессор З. Давронов

Тақризчилар:

*Тожиёв М. – Педагогика фанлари доктори, профессор.
Тилдиева Г. – Фелисифа Ғаниари номзоди, доцент.*

Зиямухамедов, Бўри

3 88 Соғлом бола шахсиятини шакллантириш ҳақида / Масъул муҳаррир
З. Давронов. – Тошкент: «Табаккаг қаноот». 2014. – 240 б.

Маъзур илмий оммабоп асар «Соғлом бола йили»га бағишланган бўлиб, унда соғлом ва барқамол болани вояга етказишни замонавий назария ва амалиёти асосларини оммабоп тилда ёритиб беришга ҳаракат қилинган. ХХI аср болаларнинг таълими ва тарбияси билан машғул бўлувчи шахслар, масъулиятли бў вазифага хозирги замон илмининг нуктан назаридан ёндоқиларни талаб қилинганлиги боис, китобда шу замоннинг энг илгор илмий дунёқараш ва унинг ҳосиласи бўлган «Мажму ёндашув тамойили»га кичкача тўшунтириш бериб ўтилган. Ҳар қандай боланинг негизини инсон ташиқил қилганлиги муносабати билан, китобда «Харати инсон», «соғлом бола», «барқамол шахс» тушунчалар мазмунини очиб бериб, «соғлом ва барқамол бола» мақомига эришишни мақсад қилиб олганларга зарур бўлган фазилятлар тизими ва уларга эришиш йўлларини маънавий меросиниз орқали ва жонли мисоллар билан дидактика қонунлари ва дидактика тамойилларидан келиб чиқиб ёритиб беришган.

Китоб, узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб борувчи ўқитувчи ва педагогларга мўлжалланиб ёзилган бўлишига қарамай, у болалар соғлиғи ва барқамоллиги билан шуғулланувчи ота-она ва бошқа мутасадди шахслар фаолиятига ҳам асослади, деган умиддамиз.

ЎСМАДАН БИРАДБИ ТОНОВНА

УЎҚ: 44.4
КБК: 83(5У)

Хар қандай мақсад сари қилинган ҳаракат, инсонни бошқа махлуқлардан ажратиб туради. Инсоният фаолиятидан қуттилган мақсад, ер юзиде тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, болалар тақдир, аҳоли манфаатларини кўзлаш бўлмоғи лозим. Барча эъту мақсадларини рўёбга чиқиши учун, ўсиб келаётган болаларнинг соғлиғи ва шахсий фазилятлари етакчи ўрин тутали. Шунингдек, инсоний фазилятлари, уларга берилаётган ахлоқий тарбия билан ўргатилаётган фан билимларининг тури ва ҳажмига тўғридан-тўғри боғлиқдир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамиятимизнинг узоққа мўлжалланган фаолиятлари учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтаб, ёшларимизнинг замон талабига жавоб берувчи соғлом ва барқамол этиб тарбиялашга йўналтирилган.

КИРИШ

Муайян дастурни амалга ошириш йўлида давлатимиз ғамхўрлиги йилларнинг номланishiда ҳам ўз ифодасини топиб бормоқда. 2014 йили – «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ва бунга мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат дастурида амалга оширилаётган вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

«Инсон» деган ном фовгла улғу, унинг мартабаси баланд. *Ҳақиқий инсон бўлиш учун соғлик ва барқамоллик йўлидан ҳақдан тинчлик ҳар бир боланинг биринчи ва масъулиятли бурчидир.* Зеро, бу йўл ёруғ дунёда тинчлик ва фаровонликни таъминлай, одамларни бахт ва саодатга элтали Соғлик ва барқамоллик мартабасига фақат меҳр-мухаббат туйғуси ила ҳикмат элгшлаш йўли билан эришилади.

Фойдалани билим, яъни ҳикмат, меҳр ва мухаббат – ҳақиқатга, муруватга, ҳимматга, раҳмдилликка, эл дардига малҳамликка, умуман эзгуликка ва покликка етаклайди. Болалар, соғлик ва барқамоллик пиллапоиларидан билимлар элгшлаш ҳамда ўзини ўзи тарбиялаб, четдан берилган тарбияни ўзлаштириши орқали кўтарилгиб борадилар. Тарбия ахлоқни шакллантирса, билим тафаккурга куч беради. Буларга хоҳиш, интилиш ва шижоат кўшилиб, уйғунликда болаларнинг танини соғ, имонини бақувват, ўзини эса бахтли қилади.

Бутун инсониятнинг, азал-азалдан интигиб келаётган мақсади – бахтли бўлиш. Ер юзиде тинчлик ҳамда фаровонлик ҳукм сўриб, муайян заминда яшайтган болаларнинг аксарияти соғлом ва барқамол

инсон даражасига етиштиляри, халкнинг бахтга эриштишининг асосий омиллири. XXI аср одамзоднинг бу буюк орусини рўёбга чиқариш имконини берувчи тарихий босқич ҳисобланади. Инсоният, шу жумладан ҳар биримиз ҳам бу имкониятни қўлдан бой бермай, ундан унумли ва тўғри фойдаланишимиз лозим. Бу имкониятга, шу қўлдаги илмий-техникавий тараққиёт натижасида ер юзида йнгилиб қолган молдй ва маънавий бойликларнинг беқийс ҳажми ҳамда Квант назарияси асосида одамлар дунёқарашининг тубдан ўзгариб бориши, шунингдек, нлм-фан ва техника ривожининг янги босқичга кўтарилиши қиради. Ер юзидати халқларнинг динлараро, миллатлараро, халқаро ва шахслараро тотув-ликка интeгилишлари эса, мажмуа имкониятини рўёбга чиқариш шароитини яратди. Имконият ва шароит бор экан, одамзод ўз максадига алабатта етади. Бундай максадни амалга оширишининг муҳим омилларидан бири, жамиятимиз болаларини соғлом ва баркамол этиб вошта етказиш ҳисобланади.

Айтиш жоизки, истисносиэ, ҳар қандай бола динининг тубида, соғлом бўлиб, ота-онаси, қариндош-уруғи ва тенгқурларининг муҳаббатига эришиш истаги етади. Бола тарбияси билан шуғулланувчи ота-она ва бошқа мутасадди шахслар умумий бу туйғунни сўндирмасдан тарбиялаб боришлари керак.

Мазкур рисолада замонамизнинг илгор илмий дунёқарашини бўлган Квантги фикр юритишининг хослиаси «Мажму ёндошув тамойили»дан келиб чикиб фикр юритишга ҳаракат қилик. Дастлабки фаслни «Ҳозирги замоннинг энг илгор илмий дунёқарашини ва мажму ёндошув тамойили» деган мавзуга бағишладик. Китобнинг шу қисминини яхши ўрганиб чиқмай, унинг қолган сарҳифлари маъмунига чуқур кириб бориш қийин кечади. «Квантги фикр юритиш» ва «Мажму ёндошув тамойили» оламга бошқача назар билан қарашга ундайди.

Иккинчи фаслни «Ҳазрати инсон» ва шу негиздан келиб чикувчи «соғлом бола» ва «баркамол шахс» тушунчалар моҳиятини очиб беришга бағишладик.

Учинчи ва тўртинчи фасллардаги, Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларини соғлом бола ва баркамол шахс тўғрисида фикрлари ҳам фойдадан холи эмас, деб ўйлаймиз.

Боланинг соғлиғи ва баркамоллиғи, унинг мустақил фикр юритиши орқали унда йнгилиган билимлар мажмуғига, имон ва эътиқодига, ахлоқ ва одоби, бошқа бир қатор фазилатларга боғлиқ бўлганлиғи сабаб, бешинчи фаслни «Соғлом ва баркамол бола макомига эришиш учун зарур бўлган фазилатлар» моҳиятини ва бундай фазилатларга эришиш йулларини очиб беришга бағишладик.

Олтинчи фисл орқали, «Соғлом болани вошта етказиш билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи тарбия килувчиларга таъсиялар» бердик.

Мухтарам китобхониларга, ушбу рисола мутолааси жараёнида қуқувават тиллаган қолда, улардан қуйидаги қолдаларга рив килишларини сўрадик.

— биринчи навбатда, ўзингизда «Квантлар назарияси» ва бутун борлиққа «Мажму ёндошув тамойили» билимларини эгаллашининг қуқули тўғрисида пайдо қилинг.

— китобдани билимларни шахсий таълим ва тарбия амалиётингизда қўлашга ҳаракат қилинг.

— болаларга таълим-тарбия бериш фаолиятингизни, етдан туриб, қуқузатиб, ютуқларингизга хурсанд бўлинг, халоларингиз устида қайғуринг.

... (The rest of the text is extremely faint and mostly illegible due to the quality of the scan. It appears to be a list of references or a detailed preface, but the content cannot be accurately transcribed.)

1 ФАСЛ ХОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ЭНГ ИЛГОР ИЛМИЙ ДУНЁКАРАШИ ВА МАЖМУ ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛИ

Оламга ақл-идрок билан илмий нуктага назардан ёндолишни қадимги Юнон файласуфлари ва Шарқ мутафаккирлари асарларида кўриш мумкин.

Европа уёғонлиш даврига келиб, бутун борлиқни ақл-идрокка асосла-
ниб, илмий тасаввур қилишда физика, астрономия, математика ва меха-
ника фанлари анча илгариллаб кетганди. Бу фанлар дунёни тушутириш-
да маатикийлик ва мавжуд табиий қонулар билан асослаб бериш ҳамда
хаётий тажриба, тардан ўтказиш тамойилларидан келиб чиққан. Дунёни
бундай тушутириш ўта аниқликни талаб этиб, ХVII – ХVIII аср жамия-
тининг эҳтиёжига жавоб берган. Бу борада англилик файласуф Гоббс
(1588–1679) дунёдаги барча жараёнларнинг кечиши ақл-идрок асосида
қурилган деб, жамиятни яхши созилган механизм сифатида тушулган.
Франциялик файласуф Декарт (1596–1650) хаётий жараёнларни маши-
насимон дастурларга қисқартган. Декартнинг ватандоши Ламерти (1709–
51) эса, одам – бу машинадир, деган фикрini айтган. Натигада, дунё-
ни механик физика нуктага назардан тушуниш шаклига борган ХVII
асрда Ньютон (1643–1727) бу фикрларни умумий махражга келтириб,
дунёнинг механик-математик концепциясини тузиб чиқди. Ньютон кон-
цепцияси ўрта дар синновидан муваффақиятга ўтиб, ўзидан кейин гра-
витацни (жисмларни ўзаро тартушуви) қонунини қолдирди. Бу концеп-
цияга асосланган қолда астрономия, физика ва механика илм-фанлари
тараккий эта бошлади ҳамда дунёнинг яхлит механик тасаввурни пайдо
бўлди. Коинот чексиз катта бир машина сифатида идрок қилини бош-
ланди. Бу назарияга физиклар, астрономлар, табикий фан вакилларигина
эмас, унга ижтимоий фан вакиллари ҳам амал қила бошладилар. Иж-
тимоий туғнаришлар раҳнамолири, жамият хаётини ҳам машинасимон
тасаввур қилиб, капитализм бу машинани ишдан чиқариб қўйган, уни
созлаш учун мавжуд ижтимоий тузумни соячи ташлаб, қайтадан йетини
дозим, деб багланлар. Бунинг учун эса, мавжуд тузумни алдариш ке-
рак деб, бу ишни биринчи бор Россия империясида амалга оширганлар.
Бундай дунёқарашдан кейин чиққан ижтимоий тажриба нима билан ту-
гаданлиги ҳаммага маълум. Дунёни бундай тушуниш назарияси икки
асрдан олти вақт мобайнида тараккий эта бориб, одамлар онга ва шурури-
та сингиб кетди. Кўп одамларда бундай дунёқараш ханузгача сақланиб
қолмоқда. Чунки, у нисбатан жўн бўлиб, уни тушуниш ва бошқаларга
тушутириб бериш осон.

Қарийб уч юз йил аввал Ньютон оламнинг механик моделини тузиб,
бутун борлиқни шу концепцияга бўйсундирди. Ньютон тақлиф қилган ду-
нёнинг илмий манзарасида инсоният Коинот деган машинанинг қичиқ
бир қисми сифатида тасаввур қилинган. Хозирги замон илгор фикр эга-
лари оламни тушунишнинг Ньютон даври ўтиб кетди, демоқда.лар.

XX аср бошларидан бошлаб нисбийлик назариясининг пайдо
бўлиши, атомни, ундан кейин электрон ва протонлар ҳамда нейтрон-
ларнинг бўлиниши, квантнинг кашф қилиниши, шунингдек физикадаги
бошқа кашфиётлар аср ўрталарига келиб дунёнинг механик тасавву-
ринга туғур этказди. Катта олам ва элементлар зарралар босқинида кеча-
диган жараёнларни механик физика тушутириб бера олмади. Натига-
да астрофизика, космология, космоизм деган илм-фанлар таркий топди.
Астрофизика ва космология коинот тадрихий ривож натижасида бунёд
бўлганини исботлаб берди. Гераклит, кейинчалик Кант ва бошқалар
илгари сўрган, коинотни ўзгариб турувчи яхлит бир бутунлик (маж-
му) сифатида тасаввур қилиш хозирги замон илмий манзарасининг
иссонини ташқил қилди.

Космизм деб ном олган дунёнинг шу кундаги илмий манзараси олам-
ни янгиладан, бошқача тасаввур қилишни такозо этади. Бу дунёқарашнинг
пировард максалди инсон тасодифан пайдо бўлган мавжудот эмаслигини,
у коинот тадрихий ривожланиш жараёнининг ажралмас қисми ва унинг
тул тоқиси эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бунинг замининда
табиот одам орқали ўзини ўзи англашига, англаб етганидан кейин эса,
инсоният унга этказган шикастларни одамзолнинг ўзининг ёрдамида
бу шикастларни тузатишига олиб келади, деган ғоя этади.

Шу кунда, Квант назариясида эта бўлганимиздан сўнг, оламни пай-
до бўлиш сирларини англаб етмоқдамиз. Бундай билмига эта бўлгандан
кейин, инсоният планетамиз ва бутун коинот хаётига тавсир кўрсата
олади, деган фикр илгари сурилмоқда.

Квант назарияси табиат жамият ва бутун коинотга бошқача назар
билан қарашни такозо этади. Одамлар энди коинотнинг пасив кузату-
чилари эмас, Улар коинот бағридан, унинг қоратидан жой олганини ма-
ълум бўлди. Улар коинот хаётининг фаол катнашчилари. Коинотда со-
дир бўлган барча ўзгаришлар инсон саломатлиги ва ривожига тавсир
этгани каби, ҳар бир кишининг вужуди ва онтида кечадиган биологик
ва ижтимоий ўзгаришлар ҳам бутун Коинотнинг холати ва ривожига ўз
таъсирини кўрсатишнинг англаб етдик.

Дунёни янгича тушуниш тафаккур ва молдиётини бир-биридан
ажратиб бўлмайдиган глобал бир бутунлик (супер мажму) сифати-
да тасаввур қилишни талаб этади. Ҳоз ўзинча мавжуд бўлмай, мол-

лий нарсалар ҳам гоясиэз бор бўлиши мумкин эмас. Дунё турли моддий нарсаларнинг тинимсиз шаклланиб нураб турувчи, фикр ҳам доимо пайдо бўлиб йўқ бўлиб турувчи жараёнлардан иборатдир. Бу жариён-да фикрларнинг дйронтасида тўхташ кайфияти пайдо бўлса, фикрлар ўзанаэқ бўлиб, фикр оқими ичида бўла туриб, дарров кристалланиб «одат» тусини олаб, моддий нарсига айланади. Шу тарика моддий олам шаклланиган ва тараққий этган.

Квантги фикр юритиши хозирги замоннинг энг тўғри фикр юритиши усули хисобланади. У атомнинг майда заррачаларидан тортиб, биологик межаулар, бутун биосфера, ер шар, галактика ва косинотдаги ҳаракатлар сирларини тушутириб бера олади. Квант – нур деган маънони анигла-тиб, нур тўлқинсимон бўлганлиги туфайли, шу тўлқиннинг бир бўлгани квант деб олинган. Айлиганлар, илмий нуктаи назардан исботланиб, тажрибалардан бир неча бор ўтказилиб, ўз тасдиғини топган.

XX аср ўртадаги яқинлашганда Макс Планк ва Альберт Эйнштейнлар атомнинг турғунлик ҳолатига тоқат қилмай, радйацион мейдонга «квант ўлчамлари» билан ёндошдиглар. Шундай қилиб, ноль ўлчамга эга «фотон» аниқланди. Улардан кейин Нильс Бор, Луи де Бройль, И.Эрвэн ва Шредингерлар радйацион майдон ва энергия тўлқинларини «квант»ни бир вақтнинг ўзиде ҳам «бўлак», ҳам «тўлқин» эканлиғини кашф қилдилар. Бу янгилик бутун дунё олим-ларини ўйлетиб қўйди. Дунёни анъанавий, Ньютон механик физикаси бўйича тасаввур қилиш нурайи бошлади. Инсониятта янгича фикр юри-тиш «эшик қоқиб» келатган эди.

Квант назарини нарсаларнинг содир бўлиши сабаблари хисобланган ва нур теълиғидан ташқарида бўлган ўлчамлар маъмул эканини ҳам кўзда тутди. Бу одамзодни қийнаб келатган бир қатор саволлар-га жавоб берди. Олимлар қонинотта Квант назарини нуктаи назаридан қарашганда, макон борлиги ичида жуда катта қувватга эга бўлган квант кучини аниқладилар. Бу куч бутун қонинотта чексиз майдон «квант тўлқини» бўйича тарқалади. Бу куч оламдаги истаган нарсая ва ҳодисани бир зумда ўзгартириш, йўқ қилиб қоборити ёки йўқдан бор қилиш кучига эга. Квант кучи, квант тўлқини ва жисмоний ҳусу-сиятларга эга бўлган Қонинот «барча тартиблар ичидаги тартиб» орқали бошқарилар экан. Квант тўлқини барча жисмоний борлиқларнинг ман-баи хисобланади.

XX асрнинг энг кўзга кўринган квантги тафаккур этиси, иктивдорли олим Дэвид Бом бутун борлик – моддий нарсалар, энер-гия ва вақтнинг ўзи ҳам Қонинот қаррида яшириниб ётган, ўз ичида яширинган тартиб кучининг натижақисидир, дейди.

Ўз ичида яширинган тартиб, барча – жонли ва жонсиз, энг майда нейрон заррачалари, атом ва ҳужайралардан тортиб, кишилик жамияти ва Қонинотга бўлган нарсаларни бошқариб туради. Бом фикри бўйича, бу тартиб чизикли бўлмаб, «таъсир майдони» (магнит майдонига ўхшаб) сифатда идрок қилиниши лозим. Бу майдонда оламнинг барча ўқур-лари, қонун ва қонуниятлари йнгилиб, бир бутунлиқни, квант пререк-цисини ташқил қиладилар.

Файласуфлар, дунё чексиз бўлганлиги ва уни ақл билан қамраб олиш мумкин эмаслиғини билган ҳолда, оламни ўрғанишда унинг мохиятига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилдилар. Яъни, фалсафа ўз эътибори-ни дунёни турли-туманлиғига эмас, унинг яхлитлик мохиятига қаратди. Дунёни яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиш, оламни ташқил қилувчи, турли-туман жонли ва жонсиз нарсалар билан бир қаторда, та-биий ва таърифтабиий, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ҳамда (барча нақтимоий жараёнларни, шу бутунлиқнинг ўзаро ўзвий боғлиқ бўлган ўнсурлари сифатида кўради).

Ранг-баранг шакл ва мохиятта эга бўлган объектив борлиқни яхлит бир бутунлик сифатида қабул қилиш учун бирлиқчи асос борин, деган саволга жавоб сифатида фалсафада субстанция (тўб мохият) деган ту-шунича вужулга келган.

Хозирги замон файласуфларининг фикрича, субстанция де-ганда, истаган бир бутун нарса ёки ҳодиканнинг ўнсур бўлиб хисобланувчи ва ўз шакл-шамойли ҳамда четларидарига эга бўлган борлиқни тушуномқ лозим. Масалан, барча биологик бирлиқлар – ўсимлик, жонивор ва одамнинг тўб мохияти, яъни субстанцияси мужайра хисобланади. Хар қандай машинанинг субстанцияси, унинг боғловчи қисмларидир ва ҳоказо.

XX аср ўртада рига келиб, янгиа дунёқараш, яъни квантги фикр юри-тиши, объектив дунёни тушуниш ва уни ифодалаш учун бошқача ёндо-шулни талаб қилди. Шу билан бир қаторда, объектив борлик турисидаяи матълумотлар шу даражада ортиб кетдики, аср бошида тўёки шаклданиб битган, деб хисобланган фан термолқари тараққий этиши натижақида уларнинг турлари қарийб юз баробар кўтайди. Урганити объектги ва талқикот усуллари жихатидан, уларнинг фандларро, интегратив турлари вужулга кели бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кенг оммага етказиш ва уларнинг тафаккурига синди-риб, хотираларига сақлаб қолдириш учун дунёни бошқача тушуниш ва ифода этиш тартиби пайдо бўла бошлади. Объектив борлиқка неқсиз кўп, солда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикла-нувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо сифатларга эга бўлган бутун-

лик (мажму)лар сифатида дарок қилиш шу тараққиёт маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга мажму сифатида ёндошиш ривожлана бориб, қисқа муҳлат ичида ўзининг хусусий қонуналарига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлайди. Натيجалада мажмулар назарияси вужудга келди.

Мажму деганда, ўзаро функционал боғлиқ бўлган унсур (субстанция)лар бирлиги, яъни бир бутунлиги тушунилади. Функционал боғлиқлик деганда, нарса ёки ҳодиса тадрижиянинг ички заруриятидан келиб чиқадиган алоқадорликларга айтилади. Шунда шартли қилиб оlingан биринчи даражаси мажмуни ташкил қилувчи унсурлари иккинчи даражаси мажму ҳисобланиб, улар ўз наъбатида учинчи даражаси мажмулардан ташкил топган бўлади. Шу билан баробар биринчи даражаси мажму, ўзиндан бир поғона юқори турган шартли султер мажмуга унсур вазифини ўтайди. Бу жарадаи чекли ва чексиз бўлиши мумкин. Бу бутунлиқларнинг бирон-бир унсур бўлимас мажму ўз фаолиятини йўқотмай. Ёки бир унсурнинг сифати ўзгарса бошқа унсурларнинг ҳам сифатини ўзгартиришига олиб келди. Масалан: бир бутун бўлиб турган одам деган шартли султер мажмунинг, яъни қати ёрқунининг бирон-бир унсур, яъни биринчи даражаси мажму: ё суяклар мажму, ёки юрак-қон томирлар мажму, ёхуд осаб мажму бўлимас, одам ўзининг ҳадд фаолиятини йўқотмай ёки уларнинг биронтаси хасталанса, бошқа унсурлари ҳам хасталикка учрайди. Ёнки одам деган султер мажму ўзаро функционал боғлиқ бўлган биринчи даражаси унсурлардан тарқиб топган бўлиб, улар ўз наъбатида иккинчи даражаси мажмулар ҳисобланган қўи-оёқлар мажму, бош суяклар мажму, умуртка ногонлар мажму ва ҳоказолардан ташкил топганлар. Улар ҳам ўз наъбатида бир қанча учинчи даражаси мажмулардан ташкил топганлар.

Тизим деганда эса, чизикли, яъни қаторли йўналишга эга бўлган ва маълум бир кетма-кетиликда тизилган нарса ёки ҳодисаларнинг тизиниси тушунилади. Масалан: марварид тизими, қалампир тизими, электор столбларнинг қатори, сонлар қатори, йўллар тизими ва ҳоказо. Улар ҳам ўзаро функционал боғлиқ бўлишлари мумкин. Бу ҳолда улар, саноксиз мажму турларнинг бир тури, чизикли ёки тизимли мажму деб номланайдилар. Мажмулар назарияси бўйича мажму исми таъини шаклида — доира шаклида, қўи томонли, қўи бурчакли ва ҳоказо қўришида бўлиши мумкин.

Яна, илмий алоқаларда «мажму» — «қомиле» сўзи ҳам тиллатилди. Мажму (мажму сўздан «а» харфи билан фарқланади), у бир нечта алоқидо оlingан мажмуларнинг, баъзи бир хусусиятларини эъти-

борга олган ҳолдаги муҳаник йўналишидир. Уларнинг бири бўлмаганда ҳам мажму ўз фаолиятини муҳиматиди Масалан: синфдаги болаларнинг ҳар бирини алоқидо олганда мураккаб буюк-тимоли мажму, амамо бўришига улар ўқувчилар мажмуаси ҳисобланади. Ўқувчиларнинг бир нечтаси бўлимас ҳам, ўқув мавзулини ўз фаолиятини муҳиматиди. Амамо, боланинг султер мажму сифатида ташкил қилувчи унсурлардан, масалан суяклар ёки мушаклар, ёнки юрак-қон айланishi ёки нафас олиши мажмуларисон биронтаси бўлимас, бола ўзининг буюк-тимоли мажмуот сифатидаги фаолиятини йўқотмай.

Яна қайтариб айтганиз, мажмулар назарияси (теория систем) бўйича, қар қандай мажму ўзидан юқори поғонада турган мажмуга субстанция вазифини ўтаб, шу вақтнинг ўзида ўзидан бир поғона пастда турган мажмулар унга нисбатан субстанция вазифини бажараядилар ва ҳоказо. Текшик, яъни ёки мажмуларда бу ҳодиса чекли, таъбирий, яъни очик мажмуларда у чексиз бўлади. Мажмуларни бир-биридан ажратиб турадиган нарса уларнинг хусусиятларидир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда (фалсафада атрибут (нарса ва ҳодисаларнинг ажралмас унсур) деган тушунча келиб чиққан. Атрибут — муайян нарсанинг ажралмас унсур сифатида намоён бўлиб, унинг хусусиятларини ифода этади.

Юқориди қайди қилинганидек, мажмуни ташкил қилувчи унсурлари деб факат ўзаро узвий, яъни функционал алоқадорликда бўлганларига айтилади. Шунда мажмуни ташкил қилувчи унсурларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа унсурларининг ҳам хусусиятлари қонуний тарзда ўзгаришларга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилад.

Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки ҳудуд ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради.

Мажмуларнинг ҳар бири факат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажратиб туради.

Мажмунинг хусусияти факат бошқа мажмулар билан алоқадорликларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятига пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлик эса, факат уларнинг намоён бўлишларидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Яъни хусусиятнинг яратувчи алоқадорлик функцияга дейилади. Нарса ва ҳодисаларнинг функцияга бўлган нисбати функцияга намоён бўлишнинг асоси, мажмунинг ажралмас қисмидир.

Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши *жаради* дейилади.

Мажму, уни ташкил қилувчи қисмлари факат ўз поғонасиданги мажмулар орасиданги алоқадорликларда намоён бўлади.

Бир мажмуни ташкил қилувчи унсурларининг биронтаси ўз

поғонасидаги мажму унсурлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму унсурлари билан ҳам функционал алоқадорликда бўлиши мумкин. Бу ҳолда у бир вақтнинг ўзида бошқа поғонадаги мажмуни ташкил қилиши да шитроқ этган бўлади. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқари мавжуддир.

Субъектив, яъни инсон хоҳиши-истағидан келиб чиқиб, киши та-саввурда намоён бўладиган алоқадорликлар ҳам мавжуд. Бундай ало-қадорликлар сунъий ёки антропоген алоқадорликлар дейилади. Бун-дай алоқадорликларга асосланиб шакллантирилган мажму ҳам сунъий бўлади. Агар, сунъий мажмулар боқий қонуниятлардан келиб чиқиб та-саввур қилинган бўлса, улар амалда ҳақиқий мажмуларга айланади. Ма-салан, асрлар мобайнида сақланиб келатган турли-туман йищотлар. Нотўри тасаввурга асосланиб тузилган сунъий мажмулар, амалдаётган ўтмай, ҳаётий мажму бўлиб қолаверадди. Масалан, «социализм» деб ном-ланган ҳаётий давлат тузуми, қанчалик жозибадор, илмий асосланган ва адолатли бўлиб кўринмасин, амалий синовдан ўтмай пураб кетди. Де-мак, у табиат жамият ва оғ ривожланишининг боқий қонуниятларидан келиб чиқмаган экан.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар про-екция (*физикий шакллarning нексисликдаги тасвири* — *чизма*)синнинг шаклига қараб, қуйидаги турҳуларга ажратилади:

- тартибли ва тартибсиз. Муайян дарахтнинг битта барини тузи-лиши ёки арифметик рақамлар тартибли, баргларнинг дарахт шохлари-да жойланиши тартибсиз мажмуга мисол;
- тезликка эга ва суут, масалан, жонли нарсалар тезликка эга, тоғу тош суут мажмулардир;
- икки қарама-қарши ва кўп томонлама — масалан, дарё икки қарама-қарши томонли, яъни тизимли мажму, кўл эса кўп томонлама мажму;

— нуқтавий ва тизимли — бир ҳужайрали микроорганизмлар нуқтавийга, дарё, йўл, рақамлар тартибли тизимликка мисол бўлади;

— тикланувчи ва тикланмайдиган мажмулар — доим аввалги ҳолатига қайтиб келувчи, кеча-кундуз, фасллар, киши қайфияти ва ҳоказо тикланувчи, вақт, умр эса тикланмайдиган мажмуларга мисол бўла олади;

— олдин ва мураккаб — водород, кислород, тоза сув, соф темир, соф олтин ва бошқалар олдинга, жинслар, ритмалар, котипма ва жонзоғлар мураккабларга қиради;

— марказлашган ва марказлашмаган — агар мажму қисмлари ораси-даги алоқадорлик векторларининг ҳаммаси бир асосий қисмда қосилса,

ушбу мажму марказлашган бўлади; мисол учун Шарқда оиладаги ҳамма иншлар ота билан боғлиқ, у билан барча оила аъзолари боғлиқликда, у оила деган мажмунинг марказида. Шунинг учун бу мажму марказлаш-ган ҳисобланади. Мажмудаги қисмлар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бир-бири билан бошқа қисмлар орқали эмас, тўғридан-тўғри боғлиқликда бўлса, ушбу мажму марказлашмаган дейилади. Мисол учун, улфатлар, қимё-ий элементлар ва ҳоказо;

— бир ва кўп поғонали — қамини, жўҳори повси, қаватли уйлар, дав-лат қурлимаси кўп поғоналига мисол, оила бир поғонали мажмулар.

Или мажмулар ҳолатига қараб турҳуларга ажратилади:

- бирламчи мажму муайян хусусиятга азалдан эга бўлганда, иккин-ламчиси эса у мажму бўлиб шакллангандан кейин муайян хусусиятга эга бўлганда;

— тугалланган ва тугалланмаган мажмулар — тугаллангани ўзига илти қисмларни кўшилишига йўл қўймайди, тугалланмагани бунга йўл қўлади;

— иммонент ва иммонентсиз мажмулар — биринчиси — фақат ўзини ташқил қилувчи қисмлар билан узвий алоқадорликда, иккинчиси — шу билан биргалликда бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқадорликда бўлишига йўл қўяди;

— минимал мажмулар — ўзини ташқил қилувчи қисмларининг би-ронтаси йўқ бўлганда ўзи ҳам йўқ бўлади;

— турғун ва турғун бўлмаган мажмулар — тузилишига ўзгаришлар киритилганда ўзгариб кетадиганлари турғун эмас ҳисобланади, қолган-лари турғун мажмулардир;

— кучли ва кучсиз мажмулар, кучли мажму деб таркибига кирувчи қисмлар хусусияти ўзгарган тақдирда мажму ўзгармай қолаверилишига ай-талади. Кучсиз мажму таркибига кирувчи қисмлар хусусияти ўзгариши билан ўзи ҳам ўзгариб кетади;

— томоген ва гетероген мажмулар, томоген деб бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмуларга айталади, гетероген хар турли хусуси-ятларга эга қисмлардан иборат мажму ҳисобланади;

— қайтарилиб турувчи ва қайтарилмайдиган турлари ҳам мав-жуд. Уларнинг биринчиси — бир қонуният асосида ўзгариб, яна аввал-ги ҳолатига қайтиб келиб туради, иккинчиси — тинмай ўзгариб, аввалги ҳолатига ҳеч қайтиб келмайди;

— қадрли ва қадрсиз мажмулар, биринчисининг ташқил қилувчи қисмлари хар бирининг бошқа қисмлар билан алоқадорлиги иккитадан ошмайди, иккинчи туриники ошадди;

— чада ва тўглик мажмулар — чада мажмуда алоқадорликда турган

объектлар билан уларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлмайди. Тўлиқ мажмуа унинг акси — алоқадорликда бўлган объектларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлади.

— **вариатив ва вариативсиз** мажмулар — вариатив деб, алоқадорлик факат муайян мажмуани ташкил қилувчи қисмлари орасида мавжуд бўлмай, бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқалар ўрнатилган бўл қўлинг мажмуларга айтилади, вариативсиз деб бошқа мажмуларнинг қисмлари билан алоқадорликка йўл қўймайдиган мажмуларга айтилади.

мажмулар яна очик ва ёпик деган турларга бўлинади. Очик мажмулар ахборотларни ўзига қабул қилиб, ўзидан чиқариб туради. Буларга мисол қилиб, барча табiiий ва ижтимоий мажмуларни келтирса бўлади. Масалан: ўсимликлар ва хайвонот дунёси ёки одам ва унинг жамоаси. Улар доимо ривожланиб, тараққий этиб, ўзгариб туради. Шунинг учун доимо ташқи муҳит билан энергия ва модда алмашиниб туради. Ижтимоий жарайонлар ҳам бунга мисол бўлади. Ёпик мажмулар ўзига ахборот қабул қилмайди ва ўзидан ахборотни чиқармайди. Техник ёки антропоген деб номланган мажмулар бунга мисол бўладилар. Уларнинг биронта унсурини олиб ташлаш ёки бошқа, унга ёт унсурни киритиш мумкин эмас.

Мажмулар назарияси бўйича, мажмулар проекция (*физиковий шакллари*нинг текистикдаги тасвири — *чизма*)сини коғозда ёки ёзув докрасида ё матода, ёки компьютерда фидалашда, очик, яъни табиий ва ижтимоий мажмулар доира ёки эллинг шаклида, ёпик, яъни антропоген деб хисобланган техник мажмулар учбурчак тўртбурчак, кўп бурчак шаклларида фидаланадилар.

Бу ерда биз, китоб олинга кўйилган максатдан келиб чиқиб, мажмулар назариясидан факат бир шингил келтирдик, хотос.

Аслида, мажмулар назарияси жуда мураккаб ва яхши тараққий этган назарий билимлар мажмутидир. Уни эгаллаган одам, хар қандай ишни тўғри ва тез амалга ошира олади. Базми илм-фан тармоқлари мажмулар назариясидан айри холда ўз фаолиятларини амалга ошира олмайдилар ҳам. Масалан: космонавтика, ахборот-коммуникация илм-фани, шу жумладан, компьютер илми ва хоказо.

II Ф А С Л ХАЗРАТИ ИНСОН, СОГЛОМ БОЛА ВА БАРКАМОЛ ШАХС ТУШУНЧАЛАРИ

Ушбу китобнинг олинга кўйилган асосий максатга етиштирувчи фикрларни каламга олишдан олдин, соғлом ва баркамол бола негизини ташкил қилувчи «Хазрати инсон» тушунчаси ва унинг соғлиги ҳамда баркамоллиги тўғрисида оз бўлса-да, бошлангич маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Киши ўзининг соғлиги ва баркамоллиги устида ишлаши ёки болаларда соғлом вужуд ва тўзал фазилятларни шакллантириши учун, аввало, тарбиявий таъсир кўрсатаётган объектнинг асл мохияти билан таниш бўлиши лозим. Хар қандай таълимий ва тарбиявий фаолиятнинг йўналтирилган объекти бола экан, унинг негизини инсон деган мавжудот ташкил қилади. Ўзимизга савол бериб кўрайлик, «инсон» деган мавжудот тўғрисида тўлиқ маълумотга эгамизми? Унга эмас, деган жавоб бўлади. Инсон «Биоижтимоий мавжудот» бўлиб, у биологик мохият билан бир каторда, ижтимоий мохиятга ҳам эга.

Унинг биологик мохиятига, уни бошқа жонотлардан биологик тур сифатида ажратиб турувчи тик юриши, танасининг ўлчамлари, бош, оёк ва кўлларининг шакл-шамойили, тасаввур қилга олиш қобилияти, нерв системасининг тузлиниши, қонининг иссиқлик даражаси ва кимёвий тарқибн ҳамда бошқа сон-саноксиз биологик кўрсаткичлари кирди.

Инсоннинг ижтимоий мохияти деганда, ажлодлардан унга мерос бўлиб ўтган ирсий бирликлари (ген)даги ахборотлар билан унинг шахсий хэйти давомида орттирган билими, кўникама, малака ва маънавийятининг мураккаб мажмуи тушунилади.

Инсон ижтимоий мохиятининг мазмуни. Инсоннинг бошқа мажмуотлардан асосий фарқи уни ижтимоий мохияти деб айтилди. Ижтимоий мохият негизида одамнинг билими, яъни билиб қиладиган харакатлари ётади. Билиб қилинган харакат фаолият дейлиб, кишининг яратувчилик қувватини ташкил қилади. Одам ер усти ва унинг остидати унсурларини, яъни тушук, сув, тоғ жинслари, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда маъданларнинг табиий хусусиятларини аввалдан билган холда, улардан максалга мувофиқ фидаланиш йўлларини ҳам билиб туриб, уларни ўзининг хэтига зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларга айлантиради. Бунга мисол бўлиб, уй-жой ва хар турли иншоотлардан тортиб, ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналар, транспорт воситаларини уй-рўзғор буюм ва жихозлари, озука мажмуотларини адабиёт ва

санъатга тегишли моддий ва маънавий бойликларни яратиб киради. Бошқа жонзотлар бундай фаолият кўрсата олмайдилар.

Инсон турли махсулотларни ишлаб чиқариши учун, аввало, ер қобиғидagi инсурларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари тўғрисидаги билимларга эга бўлиши шарт. Шундан сўнг бу махсулотларнинг ишлаб чиқариш технологияси, яъни усул ва усулбларини ҳамда бошқа бир қатор билимларни еталлаштириш талаб қилинади. Шу билан биргаликда у жамиятда умумзаронлиқ қилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ва давлат билан мулоқотга киришиши учун, бундай муносабатлар сирларини ҳам билиши шарт. Бу эса ундан хар турли ахлоқ ва олоб нормаларини еталлашни, сиёсий, ҳуқуқий, диний, касбий, иқтисодий ва ижтимоий фан билимларига эга бўлишни талаб қилади. Шундай экан, инсоннинг ижтимоий моҳият асосини унинг яратувчилик қобилияти, яратувчилик қобилиятининг асосини эса, турли билимлар мажмуи ташкил қилар экан, десак янглишмаган бўламиз.

Кишининг қанчалик билими кўп ва турли-туман бўлса, у шунчалик шахс сифатига хар томонлама ривожланган бўлади. Инчунан, унинг имон даражаси юқори бўлиб, халқ ичида обрўйи ҳам баланд бўлади. Бунинг учун, у тинмай билим олиш жараёнида бўлиши керак.

Яқин ўтмишимизда кўлдан бой берган тарихий салохиятимизни тиклаб, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин еталашимиз учун Ўзбекистоннинг хар бир фуқароси ўзини ва болаларининг соғлом ва баркамол бўлишини чин дилдан мақсад қилиб олгани бежиз эмас. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Биринчидан, билимга астойдил эътиқод кўйиб, билимларни ўзи ҳам етлашаб, сабр-тоқат билан болаларини билим еталашларига савий-ҳаракат қилмоғи лозим.

Иккинчидан, ўзи ва боласининг соғлиги устида доимо фикр юритиб, уни амалга ошириб юриши, бунинг учун ўзининг соғлигига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Учинчидан, ўзини ва боласини ақлий ва жисмоний меҳнатлар қилишга ўргатиб, соғлик ва баркамоллик деган эзгу мақсадга эришишни таъминлаши шарт бўлади.

«Биз халқимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўтмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва алабатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар етлаётган эканмиз, бу борала маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб етлади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим

ишни ўз ҳолига, ўзбўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаллас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озинганган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимизнингдан умумбашарий тараккиёт йўлидан четга чиқиб кетишимиз мумкин»¹, деган эди Президент Истом Каримов «Юсак маънавийт – енгилмас куч» деган асарда. Президентимизнинг бу сўзлари бизга методология асос, яъни ҳаётимиздаги барча ҳаракат жараёнларимизга йўлчи қолдуз бўлиб хизмат қилиши аниқ, чулки бу ташар чин дилдан айтилган ҳақсоний ташлардир.

Ўзбекистон тараккиётининг ҳозирги босқичи жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларда туб сифат ўзгартишларни амалга ошириш билан боғлиқ экани янкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бундай ишларни рўёбга чиқариш учун фуқароларимиз ўзларининг олдиларига шахсий соғлиги устида бош қотириб, соғлом ва баркамол болаларни тарбиялаб етиштиришни астойдил мақсад қилиб қўйишлари лозим. Илм соҳиблари эса, кенг аҳолига соғлигини сақлаш, маънавий ўзлгини англаш, киши жисмоний ва маънавий қиёфасини таркиб топаш тартиблари, соғлиқ ва маънавиятни тақомиллашув босқичларини тушунтириб беришлари шарт. Бу масала шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган.

Инсоннинг бошқа махлуқотлардан фарқи, унинг ажойиб жисмоний қурлишини баробарда ижтимоий моҳияти. Бу дегани, унинг ниҳоятда соғлом бўла олиш қобилияти билан ундаги тушланадиган билим, кўникама, малка ва маънавиятининг мураккаб қорилимасидир. Қуйида бу сўзларнинг том маъно моҳиятини бағайситроқ тушунтириб беришга ўтамиз.

Аваллари, ижтимоий соҳата бағишланган алабелларда, инсоннинг илмий атамаси «Ҳомосапиенс»², яъни «Ақлли жонзот» деб айтиб келинган. Инсоннинг бундай талқинини баъзи алабелларда шу кунда ҳам учратиш мумкин. Бунга нима десак бўлади? Бундоқ қаратганда, бу тушунча тўғрига ўхшайди. У маъ-тум даражада тўғри ҳам. Бироқ, чуқурроқ фикр юритиб кўрадиган бўлсак, ҳамма одамларда ақл бор. Бирни уни кўп ишлаб, бошқаси озроқ, бири умуман кам ишлатлади. Ундан ташқари, XX аср ўрғаларига келиб, жониворларда ҳам яхшигина ақл борлиги аниқланди. «Ҳомосапиенс» деган тушунчага қаратганда буларнинг барчаси «ақлий» бўлиб чиқмоқда, жониворлар ҳам, ақлини кўп ёки кам ишлатадиган одам ҳам. Ундан ташқари, таърифлар назаримизга биноян, хар қандай таъриф ёки тушунча, таърифланувчи нарса ёки ҳодиса хусусиятларини ўлчаганда соғла олиш имкониятига эга бўлиши керак. «Ҳомосапиенс» тушунчаи орқали одамни хайвондан ажратиб ҳам бўлмайди, кишиларни инсонийлик даражасини ажратиб ҳам бўлмайди.

0082

Қаримов ИТ Қўмак Заҳавийё
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
АХБОРОТ RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
TOSHIKENT VILOYATI SHIKSINO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

Уйлаб кўрайлик-чи, одам бирон нарса устиди фикрни жамлаб, тасаввурини ишлатиши ёки бошқалар сўзини эшитиб, унинг устиди мулоҳаза юритиши натижасида унда нима содир бўлади? Уша нарсани ёки аҳо-ротни кўз олдига келтириб туриб айтмайди, бошқача қилиб айтганда, у шу нарсани тасаввурига келтириб, шунинг юзасидан билимга эга бўлади. Демак, одам тасаввурини қанча кўп ишлатса, билими шунчалик кўпайиб бораверади. Тасаввурини ишлатмаса-чи? Билимсиз бўлиб қолаверади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, инсонлар бири-бири ва бошқа махлуқотлардан тасаввур ёрдамида, уларда пайдо бўлиб йитилмаган билимлар мажмуи билан ажралиб туради, десак тўғри бўлади. Бола-лар қанчалик тасаввурини кўп ишлатиб, билимини кўпайтириб борадилар, шунчалик хайвонлардан узоқлашадилар, тасаввурини кам ишлатишса-чи, билими камайиб, хайвонларга яқинлашиб бораверадилар. Мамлуки, билимларнинг тури жула кўп. Хажми ундан ҳам кўп. Болалар бу билимларнинг истатган турини ва керакли хажмда олаверадилар. Натижада ҳар бир болада турли-туман билимларнинг ҳар турли хажмдаги йитилдиси пайдо бўлади. У бу билимларни ҳаётида ишлатавериши натижасида, улар унинг маънавиятга айланади. Инсондаги ана шу билимлар йитилдиси, юкорида айтилганидек, унинг ижтимоий моҳияти дейилади. Юкорида кўрдикки, инсоннинг биологик моҳияти мавжуд бўлиб, шу билан бир каторда, ижтимоий моҳияти ҳам бор экан. Кайсики, кишининг ирсий бирликдари орқали унга мерос бўлиб ўтган ахборотлар ва ўзининг умри давомида тўплаган билимлари ўзаро узвий алоқадорликка киришиб, унинг ижтимоий моҳиятини ташкил қилар эканлар. Ер юзиди бир бутунликини ташкил қилувчи, бундай кўшма моҳиятга эга биронта ҳам махлуқот йўқ. Ҳар қандай жонотда фақат биологик моҳият бор, ҳолос. Инсон эса икки моҳиятга эга. Бундай кўшма моҳиятга эга махлуқотнинг бутунлик ҳолатидаги кўринишини, юкорида айтиб ўтганимиздек, «биоиқтимоий» ёки «биосоциал» мавжудот, лотинчада «биосоциум» деб ном-лаб келинмоқда.

Инсон биоиқтимоий мавжудот бўлиб, унинг ижтимоий моҳият негизини билим ташкил қилар экан, савол туғилиши мумкин, у бу билимларни қасддан олади? Инсон бу билимларни тафаккур ва тасаввурини ишлатиб, объектив борлиқни кузатиш йўли билан ёки билим манбан бўлган устоз-муаллим, шунингдек китоб, журнал, телевизор ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан олади. Киши эгаллаган билимларини ҳаётда қўллаши учун уларни хотирасида сақлайди. Тинмай билим олиши ва уларни амалиётда қўллаб бориши натижасида ундаги билимлар кўникма, малака босқичларидан ўтиб, ҳаёт тарзига айланади ва шу йўл билан маънавиятни ошиб бораверади.

Демак, инсон турли билимларни қундалик амалий ҳаётда қўллаш учун эгаллайди. Бирок, инсон тасаввур фаолияти натижасида англаб етган билимларини амалиётда бир уринишда, даров қўллай олмайди. Чунки эгалланган билим асосида ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш учун киши иродасини ишта солиб, тарбиячи — устоз иштироки ва кўмагида ҳар бир ҳаракатини мавжум мақсад йўналишида, шу соҳада мавжуд қонуний (билим)лар асосида, бир неча бор такрорлаши, яъни ҳаётда синаб кўриши шарт бўлади. Фақат шундангина эгалланган билим унинг кўникмасига айланди.

Киши ўз билимларини амалий ҳаётда намоён қилиб, уни ўзлаштириб боришининг бир неча босқичлари мавжуд.

Биринчи босқич. Одам эгаллаган билимларини амалиётда қўллаётганида ортиқча куч ва вақт сарфласа ҳам, мақсадга етса ва нфати паст бўлса-да иш бажарилса, олинган билим кўникмага айлانган деб ҳисобланади. Бу босқичда, киши тафаккурида пайдо бўлган ва тасаввур орқали ўз тасдиғини тошган билим жисмоний ва аклий ҳаракатлар орқали киши вужудига ўтиб, унинг кўникмасига айланди. Кўникмага айланган ҳаракатларни вақти-вақти билан қайтарилиб турилмаса, бу кўникма тез кунда йўқолиб, кишида қуруқ билим қолади. У билим ҳам вақти-вақти билан эслаб турилмаса, у ҳам эслан чиқиб, киши билимсиз бўлиб қолади.

Иккинчи босқич. Киши ўз билимларини ҳаётда қўллайвериши натижасида, мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари учун ортиқча куч ва вақт сарфламай, раво амалга оширса, уни малака дейилади. Бундай билим вужудга сингиб, автоматлашган ҳаракатга айланиб кетган бўлади. Тафаккур фақат кишининг мақсадли ҳаракатини назорат қилиб туради, ҳолос. Ўз навобатида, малакани ҳам бир неча — паст, ўрта, юкори деган босқичлари бор. Малака босқичидаги билим асосида қилинган ҳаракатлар анча туртун бўлиб, киши вужуди ва хотирасидан тез йўқолиб кетмайди. Бирок, ўзоқ вақт ўтиши билан бу ҳаракатлар такрорланмаса, вужуд ва хотира уларни ҳам унуттиши мумкин.

Учинчи босқич. Инсон ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллайвериши натижасида, унда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар тақомиллаша бориб, унинг руҳига сингиб, ҳаёт тарзига айланган ҳолатини маънавият дейилади. Бу босқичдаги ҳаракатлар нафақат автоматлашган бўлади, киши бу ҳаракатларни бажармаса тура олмайдиган бўлиб қолади. Маънавиятга айланган босқичдаги ҳаракатлар киши вужуди ва руҳига шунчалик сингиб кетган бўладики, улар ундан ҳеч қачон чиқиб кетмайди. Чунки у ирсий бирликлари ичи-

дан жой олган бўлди. Шунинг учун ҳам бу босқичдаги ҳаракатлар зарурий ҳаракатга айланиб, тафаккур уларни дээрли назорат қилмайдди. Айнан шу аҳборотлар ажлодлардан аялолларга ирсий бирликлари орқали ўтади.

Мавнавият тўғрисида фикр юритиб, мамлакатимиз Президентни ўз асарига қуйидаги сўзларни айтганлар: «...мавнавият – инсонни руҳан покланиш, қалбон улғайишта чорлайдиган, дамнинг ички дунёси, ирдасини бақувват, нймон-эртиқодини бутун қилдиган, вижлонини ўйотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»². Президентимизнинг мавнавият тўғрисида айтган бу сўзлари мавнавиятга берилган энг ҷиройли баҳолар.

Билдикки, инсон бошқа махлуқотлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб турар экан. Ижтимоий моҳият негизини билимлар ташкил қилиб, улар фойдали ва фойдасиз турларга ажралди. Фойдасиз ва ижтимоий ҳаётга зарарли билимлар киши мавнавиятини ташкил қилмай, бемарҳаи ҳаракатлар пойдавори ҳисобланади. Киши мавнавияти фақат фойдали билимлардан тарқиб топади. Фойдасизлари ғайриижтимоий бўлиб, улар асосида қилинган ҳаракат ижтимоий илтиғ ҳисобланади.

Фойдасиз ва ижтимоий ҳаётга зарарли билимлар, яъни иллатлар қаторига – ўз соғлиғига эътиборсизлик, ёлғон гапириш, маккорлик, ўғрилик, судхўрлик, порахўрлик, фирибгарлик, одобсизлик ва бошқа бир қатор разиликлар қиради.

Соғлом ва фазилятли бола бўлиш учун фақат фойдали билим, яъни ҳикметлар эгаллаш керак. Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад, аввало ўнги, сўнг акин кишиларига ва бўғун жамиятга наф келтиришидир. Киши муайян фойдали билимларни эгаллаб, уларни ҳаётида кўп маро-таба қўллаши натижасида улар секин-аста вужудига, кейин эса, руҳига сингиб, ҳаёт тарзига, яъни ахлоқ ва одобига, бошқача қилиб айтганда, мавнавиятга айланиб кетишини юқорида кўрдик.

Соғлом ва барқамол бола деганда, жисмонан саломат, турли-туман фойдали билимларни эгаллаган, бир қатор гўзал фазилятларга ўранган ҳамда замона талабига жавоб берувчи бола сиймоси тушунилади. Соғлом ва барқамол болага мисол келтириданган бўлсақ, спортда ва ўқинида юқори натижаларга эришган ҳамда тенгқурлари, ўқитувчилари ва аҳоли ичида юқори обрўга эга бўлган болаларни тушуниш мумкин.

Шу билан бир қаторда, шу кунда «акме шахс» деган тушунча ҳам илмий муомалада мавжуд бўлиб, у муайян бир соҳанинг билимдони, шу соҳа билимининг чуққисига эришган, шу билан биргалликда, техник фандари ҳам яхши билувчи, ахлоқ ва одобда замон талабига жавоб берадиган

ган кишига нисбатан қўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб, Нобель ва Давидт мукофотларининг совриндорлари, жаҳон чемпионлари, мамлакат қаҳрамонларини ҳамда ўз ишнинг устаси бўлиб, эл-нот хурматига эга бўлган кишиларни олсақ бўлади. Бу жараянни талқик қиладиган илм-фанни «Акмеология» дейлиб, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашга қарикат қилмоқда.

Шун эътиборга олиш лозимки, кишининг ич-ичидан қалқиб турган орзулари тақрири азал дейлиб, улар киши ирсий бирликларни (генн)да дастур тарикасида ифодаданган бўлади. Киши орзуига етлми, ўзини бахтли ҳис қилади, чунки у ўзининг дастури бўлишча ҳаракатланаётган бўлади. Унга етолмадими, ўзини бахтсиз ҳис қилади. Киши бой-бадавлят ва обрўга эга бўлиб, ҳеч нарсадан камчиликни сезмай, қилаётган ишидан халққа юқори наф тевилган бўлса ҳам, дили нотинч бўлса, билингки, у ўз дастуридан чиқиб кетган бўлади. Дил нотинчлиги кишини тунох ишлар қилиб қўлинидан ҳам бўлиши мумкин, албатта. Аммо, ёмон ишларни қилмаган бўлсангиз-да дилнингиз нотинч бўлса, демак, сиз ё ўз дастурингиздан ташқарида фаоллият кўрсатаётган бўласиз, ёки ажлодлар қилган тунохининг жазосини тортаётган бўласиз. Шунни англаш лозимки, одам дилгига уни безовта қилдиган ёмон дастурлар билан дунёга келмайди. Барча ҳаракатларни фақат одам ўз ихтиёри билан илтиғ қилди ва уларни амалга оширди. Чунки тақбир билан бир-та, одамга талбир эркинлиги ҳам берилган. Талбир эркинлигидан турри фойдаланиш учун, ҳар бир инсон ботини (дили) тортиб турган илмон қилиши лозим. Дилнингиз тортмадими, у ишни қилманг, гарчи у иш фойдали, эътиборга сазовор ва обрўли бўлса ҳам, сиз унинг учун эрттилмаган бўласиз. Фаоллиг иўнаглишинингизни аниқлаб олиш учун илоҳий китобларни тинмай ўқишингиз лозим бўлади. Фаоллиг соҳангизни аниқлаб олганнингиздан кейин, шу соҳада естойдил меҳнат қилсангиз, ўзингизни соғлом ҳис қилиб, албатта «акме шахс» ва барқамоллик даражасига эришасиз.

«Инсон» деган тушунчанинг том мазмун ва моҳиятига тушуниб етиб, соғлом бола мавнавиятини шаклланиш босқичлари ҳамда соғлом ва барқамол бола тўғрисидаги умумий маълумотга эга бўлганимиздан кейин, боланинг ҳаёти жараянида шахс бўлиб шаклланишида, унга тавсир кўрсатувчи табиий ва ижтимоий кучларни таҳлил қилиб чиқиш зарурлиги пайдо бўлди.

XX асрнинг энг йирик файласуф олими, «психоханализ» фанининг асосчиси Зигмунд Фрейд, кишининг жонли мавжудот сифатига ривожланишга ўзаро ўзвий боғлиқ бўлган уч турдаги табиий қувват манбани

² И.Каримов. Юксак мавнавият – ситимнас куч. – Т.: «Мавнавият». 19 бст.

таъсир кўрсатади, деб айтиб, уни минглаб мартаба синовлардан ўтказиб, исботлаб бериб кетган. Бу қувват манбалари миллиард йиллар мобайнида, «яшаш учун кураш» қонуни асосида барча турдаги жонзотларда, талрикчи ривожланиш жараёнида шаклланиб тараққий этиб келган.

Бугларнинг биринчиси, жонли мавжудотнинг озик-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун, яшаш учун кураш асосида, вужудда пайдо бўладиган қувват. Бу қувват, индивидни биологик ривожланиши учун озик-овқатни излаб топиш учун сарфланади.

Иккинчиси, ташқи табиий мухит ва бошқа турдаги хавф-хатарлардан муҳофазаланиш эҳтиёжи асосида танада ишлаб чиқиладиган қувват. Бу қувват ўзини ташқи мухит ва турли хавф-хатарлардан сақланиш учун йўналтирилади.

Учинчиси, насл қолдириш эҳтиёжини амалга ошириш учун, табиатан, танада ишлаб чиқиладиган қувват. Бу қувват жонзотдаги шахвоний эҳтиёжни қондиришга сарфланади.

Инсон ҳам, жонли мавжудот бўлганлиги боис, бу уч турдаги қувват таъсирини миллиард йиллар мобайнида ривожланган ва такомилгиллашган полларидан кўтарилиб борган. Аммо, вақт ўтиши билан, бу уч турдаги эҳтиёжлар шакли ва мазмуни жихатидан ўзгариб бориши натижасида, уларни сарфлаш учун танада ишлаб чиқиладиган қувватлар орасидаги тақсимланиш ҳам ўзгариб борган, деб таъкидлайди Фрейд.

«Шунинг учун, XX аср ўрталарига келиб, илмий-техникавий инкилоб натижасида, иктисодий ўта ривожланган мамлакатларда, озик-овқат, уй-жой ҳамда шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлашнишга бўлган эҳтиёж деярли қондирилди. Табиийки, озик-овқат топиш ва хавф-хатардан муҳофазаланиш учун вужуд миллиард йиллар мобайнида ишлаб чиқишга мослаштирилган механизм бу қувватларни ишлаб чиқараверди, аммо сарфи камайиши натижасида сарф бўлмайд қолган қувватнинг кўп қисминанасл қолдириш, яъни шахват учун йўналтирилади», деб айтиб кетган эди Фрейд. «Бунинг натижасида XX асрнинг бошларидан бошлаб, иктисодий ривожланган мамлакатларда, шахватга бўлган эҳтиёж бир неча бор ортди, асрнинг иккинчи ярмида бу мамлакатларда шахвоний инкилоб вужудга келди», деб башорат қилган эди олим. Фрейднинг башорати рўёбга чикиб, аввал иктисодий ўта ривожланган Америка Кўшма Штатлари, сўнг Европа мамлакатларига шахвоний инкилоб этиб келди. Бу инкилоб билан бирга унинг муаммолари ҳам пайдо бўла бошлади.

Шахватга берилиш натижасида бир катор муаммоларнинг келиб чиқишини аввалдан билган Фрейд, унинг олдини олиш йўлларини ҳам кўрсатиб берган. **Фрейднинг айтишича,** қувват ишлаб чиқувчи

вужуд «от» бўлса, «акл» чавандоздир. «Чавандоз» «от»ни қайсқа бурса, «от» шу томонга қараб юради. Уй-жой, кийим-кечак, озик-овқат ва бошқа ҳаётий зарур нарсаларни топиш учун вужудда ишлаб чиқиладиган қувватнинг микдори камаймай, сарфи камайиши натижасида, тежалган қувват насл қолдириш учун йўналтирилар экан, итимида шахватга бўлган эҳтиёж ортиб, жамиятда турли муаммолар келиб чиқиши мумкин, деган эди. Бу муаммолар келиб чиқмаслиги учун аклни ишта солиб, вужуд ишлаб чиқадиган қувватларни керакли томонга йўналтириш лозим, деган эди аллома. «Бунинг учун, — дейди Фрейд, — акл ердимида бўш қолган қувватни шахватга эмас, ижодий фаолиятга йўналтириш лозим. Ижодий фаолият эса, ижтимоийлашган нафис қувватни татаб қилади. Табиатан вужудда ишлаб чиқиладиган нафис қувватни нафис, яъни ижтимоийлашган қувватга айлантирувчи механизм бу мухаббатдир. Албатта, мухаббат деганда, баъзиларнинг фикрича, шахвоний мухаббатни тушуниб қолмай, чин инсоний севгини тушуном қозим. Бунинг учун эса, аҳоли орасида аклий ва ахлоқий тарбияни қучайтириш зарур бўлади».

Танада ишлаб чиқиладиган дағал қувватни нафис қувватга айлантириб, уни ижтимоийлаштириб, керакли йўналишга буриш учун, инсонда етарлича акл қуввати бўлиши керак. Ақлга қувват берувчи ягона нарса бу билимдир. Билим кишининг миясида жамланиб, одамнинг «Мен»ини қувватлантириб туради. Уни *аклий қувват* дейдилар. Фақат аклий қувватни қучиб бўлган одамларгина, танада ишлаб чиқиладиган табиий дағал қувватни керакли йўналишга бура олади. Фрейд айтиб кетгандек, чавандознинг қанчаллик қучи кўп бўлса, у шунчаллик осон-инсон отни керакли томонга бура олади. Шу нуқтага назардан келиб чиқилса, аклий қувватни кўпайтириш учун хар бир бола ўзидиги фойдали билимлар ҳажминини ошириб бориши зарур бўлади.

Қадимги латин файласуфи Тертуллиан Квинт Септимий Флоренс (160–220) яшашнинг тўғри йўлларини кўрсатиб, шундай дейди: «Ҳақиқат энг бошланок мавжуд бўлган. Хатолар ва янгилишлар эса ундан сўнг туғилган», «Ким жаннатга эришишни истаса, жаннатга хос бўлмаган нарсаларнинг барчасидан воз кечиши лозим»⁴³.

«Саодатни» Августин Аврелий (354–430) яхши ва ёмон инсонлар тўғрисида қуйидаги галларни айтган:

«Бўйин эгиб тавба-тазарру қилган рух юксакларга кўтарилди».

«Сукунат – шовқиннинг, яланғочлик – либоснинг, хасталик – сало-матликнинг, зулмат – ёруғликнинг йўқлигидан дарак берганидек, ёвуз-лик эзуликнинг йўқлигини билдирди».

«Муқамаллик инсоннинг ўзидаги номуқамалликни англамоғи де-макдир».

«Тушумок учун ишонмок даркор»⁴⁴.

Римлик файласуф Боэций (480–524):

«Ёмонлик жазосиз қолмайди. Ҳолбуки, бу иллатга эга бўлишнинг ўзиёқ – энг биринчи жазо».

Хитойлик файласуф Чжу-Си (1130–1200):

«Билиб туриб ҳаракат қилмаслик билмаслик демакдир»⁴⁵.

«Авал билим, сўнгра ҳаракат», – деган экан.

Ақвиналик Фома (1225–1274), қуйидаги меросни қолдирган:

«Тафаккур ёрдамида англаш мумкин бўлган Худо ҳақидаги ҳақиқат-ларни билиш учун аввалданок кўплаб билим, сирларидан хабардор

⁴² Ҷша манба. 171 б.

⁴³ Ҷша манба. 173 б.

⁴⁴ Ҳақиқат манзаралари. – Т.: Янги аср авлоди. 2002. 177 б.

⁴⁵ Ҷша манба. 185 б.

бўлиш жуда муҳимдир. Зеро, фалсафа илмига доир барча изланишлар ўз олдига Тангрини англашни макссад қилиб қўйган».

«Илоҳий ҳақиқат бошқа ҳар қандай ҳақиқатнинг мезонидир... ҳар қандай асосли ҳақиқат Тангри ҳақиқати билан ўлчанмоғи зарур»⁴⁶.

Ҳитойлик файласуф Ван Шоужен (1472–1529) доно инсон ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган:

«Ҳақиқий қувонч доноликда камолга етган зотлар ва оддий одамларга ҳосилдир. Бирок бу неъматга эга бўлган оддий одамларнинг ўзлари бундан беҳабар бўладилар»⁴⁷.

Шогирдлардан бири Ван Шоужендан сўради:

– Баян одамлар тунда руҳлар, шайтон ва ажинадан кўрқашади. Шундай пайтларда нима қилмоқ керак?

Ван Шоужен деди:

«Кундуз кунни адолат захирасини яратолмаган одамнинг қалбида коникмаслик ҳисси пайдо бўлади. Бу туйғу ўз навбатида кўрқувни етказиб қелади. Кундалик амаллар ақл чироти билан ёртилар экан, ҳеч қандай кўрқувга ўрин қолмайди»⁴⁸.

Комил инсон тўғрисида Ван Шоужен қуйидагиларни айтган:

«Комил инсон ҳар бир одамнинг қомил бўлиши учун қайтаради».

«Инсон табиати аслида олғий фазилатлар мажмуидир. Унинг табиати ўз ибтидосяда заррача ёвузликдан ҳам холи бўлган».

«Олғий эзгулик – қалбнинг асл моҳияти. Зеро, ҳатто учинга чиққан қароқчи ҳам талончилик қилмаслик кераклигини яхши англайди. У ўзини ўтри деб аташларидан орданади»⁴⁹.

Фаранг файласуфи Монтен (Мишель Эйкем) (1533–1592)нинг «Эссе» асари бизгача етиб келган.

Густав Флюбер (1821–1880) Монтен ҳақида шундай ёзди: «Қандай китоб ўқиб кераклигини билган қизикалсизми? Монтенни ўқинг. Ўқитганда ҳам шопмасдан, оҳиста ўқинг! Қалбнинг буюк донолар фикри билан тўйинган закийлик муҳитидан баҳра олсин. Шу боис мен сизга дастлаб Монтенни ўқини Маслаҳат берман. Уни бошидан-охиригача ўқиб тугатгандан кейин, яна қайта мутолаа қилишга киришинг».

«Эссе» – латинча сўз бўлиб, «ўз устида тажриба ўтказиш» деган маънони англатади. Монтеннинг бу асари турли мавзулардаги фалсафий тадқиқотлар мажмуасидан иборат. Бу асарда 3000 та иқтибос келтирилган, мана уларнинг бири нечтаси:

⁴⁶ Ўша манба, 204 б.

⁴⁷ Ўша манба, 215-б.

⁴⁸ Ўша манба, 229-б.

⁴⁹ Ҳақиқат манзаралари. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 230, 231-б.

«Бу одамнинг жамнки донолари ва фикр-мулоҳазалари одамларни ўлимдан кўрқмасликка ўргатишга бориб тақалади».

«Жоҳилликдан қутулмоқни истасанг, аввал унга икор бўл... Ҳар қандай фалсафанинг ибтидосяда хайрат ётади, тадқиқот унинг ривожига, интиқилишига эса интиқилиши».

«Мен ўзимга қарши чиқшим мумкин, лекин ҳеч қачон ҳақиқатга қирши боролмайман».

«Ҳар қандай билим туйғуларимиз орқали эгилланади, биз туйғулар қимилангиз. Билим туйғудан бошлангани ва у билан тугайди».

«Билимга мойилликдан кўра табиийроқ интилиш бўлмайди. Идрок оқиллик қилгач, ундан кўра қучсизроқ восита – тажрибага суянмаиз. Лекин ҳақиқат шундай улуғ нарсаяки, унга етишиши йўлида ҳеч қандай воситага суянмаслик жониз».

«Донишмандликнинг энг муҳим белгиси – доимий хотиржамлик».

«Иштиёрни ўзда саклаб қолмоқлик – дунёдаги энг улуғ неъмат».

«Қим нима деса десин-у, аммо ҳатто эзгуликнинг замирида ҳам қузурланиш ётади».

«Ҳаёт эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам эмас. У эзгулик ва ёвузликни ичига олувчи бир омордир. Уни ё эзгулик, ё ёвузлик оморига айлантирилади».

«Кўрқоқлик – шайқатсизликнинг онаси».

«Ўзини ўз тибий моҳиятида муносиб намоён қилмоқ қомиллик белгиси ва деярли илоҳий сифат белгисидир. Биз одадга ўзинимиздан қочиб, бошқача одам бўлишга интиламиз ва аслида нималарга қодирлигимизни билмай ўтиб кетамиз»⁵⁰.

Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561–1626) ҳақиқий файласуфлар ҳақида қуйидаги фикрни билдирган:

«Юзак файласуфлик инсон ақлини худосизлик сари етказмайди. Фалсафани чуқур ўрганш эса одамлар идрокини динга йўналтиривди».

«Худони инкор этувчи одам инсон зотидаги эзгуликни ҳам инкор этвди».

Бэконнинг барқамол инсон тўғрисидаги фикрлари қуйидагича:

«Факат нафрат ва кўрқувгина зўравонлик қилишга мажбур ётади».

«Мақдор одамлар билимни назар-писанд этмайдилар, соддали одамлар ундан хайратга тушадилар, донолар эса билимдан фойдалана билдилар».

«Билимсизлик қучайган сайин шубҳа-ғумон орта боради».

«Мутолаа инсонни билимдонлик сари, суҳбат топқиллик сари етказмайди. Ёзиш эса аниқликни таъминлайди».

⁵⁰ Ҳақиқат манзаралари. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 232-б.

«Барча эзгү фазилатлар инсонни илпатлар исканжасидан халос этади, лекин факат жасурлик фазилатигина инсонни тақдир хукмидан асраб қолишга кодир».

«Бахтдан лаззатланиш – буюк саодат. Бахтни ўтагаларга тухфа этиши эса ундан ҳам буюкрок эзгуликдир»⁵¹.

Франгистонлик файласуф **Рене Декарт** (1596–1650) баркамолликка эришиш йўлларини куйидагича билган:

«Умид – кунгилдаги истакнинг рўёбга чиқишита ўзини ишонтирмоқ демак. Кўркув эса орзу-истаклар рўёбга чиқмаслигига ишонтирувчи рухий мойилликдир».

«Қадр-кимматини билган одам бошқаларнинг ўзидан кўра ақлироқ, билимлироқ ва гўзалроқ бўлишидан чўчимайди. У аслида бошқалардан устунроқ бўлса ҳам ҳеч қачон ўзини юқори тутмайди».

«Кучли ва оляжаноб одамларнинг кайфияти хотиржамлик онларида ҳам, кулфатга рўпара бўлганда ҳам ўзгармайди».

«Уят инсоннинг ўзини ўзи яхши кўришга асосланган ва танбех эшитилган чўчиши тўфайли пайдо бўладиган тўғунинг бир кўринишидир».

«Ақлли бўлишнинг ўзи старли эмас. Энг асосийси, ақлни амалда кўллай билшидадир».

«Донишмандлик нафақат амалий мулоҳазакорлик, балки инсон англашга кодир бўлган билимларни мукамал эгаллаш демакдир»⁵².

Испаниялик **Балтасар Грасиан** (1601–1658) донолик илмидан сабоқ бериб, окигу доно бўлишни истовчи хар бир одам учун куйидаги қоидаларга амал қилишликни фарз деб билади:

«Ўтагалар сента муҳтожлик сезишсин ва у қоида сенинг энг биринчи курулинг бўлсин».

«Кутишнинг хадисини ол. Ақлингга бўйсуниб, сабр билан иш тутсанг, омад сента пешвоз чиқали».

«Катъиятли бўл. Инсон бахт юлдузига ишониб, катъият билан ишга киришмоғи лозим. Бигилик, кўлмак сув тез айнияди, оқар сув эса инлог ва беғубордир».

«Донио янгилашни сари олмил! Энг аьло нарса ҳам эскиради, шу билан бир каторда шон-шухрат ҳам. Одат – Хайратнинг кушандаси. Бас, шундай жан, хар жабахда – имконият галаба, мардлик бобида ўзингни янгиладан кўрсат. Худди куёш янглиг янги-янги бетақроқ жипва қилиб, ўзингни намоён қил».

⁵¹ Ўша манба. 234, 235, 236, 237-б.

⁵² Ўша манба. 242-246-бетлар.

«Ортиқча кайсарликдан ўзингни тий! Зотан, пўртахолни (апелъсинини) тўхтовсиз эзсанг, тахири чиқали. Истеъдолни беҳуда сарфламоқ эса ўзинг тез сўнишита олиб кетадир».

«Доно киши ҳаммани қадрлайди. Чунки у хар бир одамнинг яхши томонини кўра олади».

«Қилмиш фикрлар меваси. Яхши фикр яхши амал демакдир».

«Икки нарса тез адо қилади: бири – аҳмоқлик, иккинчиси – ахлоқсизлик. Батзилар умрни асрашни билмагани бос, айривлар эса буни истамаганлари учун ҳалокатга юз тутадилар».

«Йўлинг ойдин бўлмаса, доно ва эхтиёткор одамларнинг этагидан тўт. Улар эртами-кечми сени тутри йўлга олиб чиқадилар».

«Инсонда йигирма ёшида тўғулар, ўттизида истеъдол, қирқда ақлиноват хукмронлик қилади».

«Ишонч беғамликка айланмаслиги учун енгил ишта ҳам отир иш деб қара. Ишончсизлик кўроқликка айланмаслиги учун эса мушкул ишта енгил иш деб қара»⁵³.

Франгистонлик файласуф герцог **Франсуа де Ларошфуко** (1613–1680) баркамол инсон бўлиш учун куйидагиларни билишни зарур деб билган:

«Саломатлик тана учун қанчалар муҳим бўлса, рух учун донолик (билимлилик маъносида) шунчалар зарурдир».

«Меваларни етилиш вақти бўлгани каби, инсоний фазилатларнинг ҳам қомолга етиш фурсати мавжуд»⁵⁴.

Риёзатчи олми ва файласуф **Блез Паскаль** (1623–1662) баркамоллик меъонлари куйидагиларда деб билган:

«Бизнинг бор-йўқ фазилатларимиз фикрларимизда мужассамдир. Шу бос биз фазо ва вақт билан эмас, балки фикрларимиз билан юксалмоғимиз лозим. Зотан, биз ҳеч қачон фазо ва вақтгни тўлироқламаймиз. Жўяли фикрлаш ахлоқийлик нотийдос».

«Донио олга янгилиш – инсон табиатининг асоси».

«Биз ҳақиқатни нафақат ақлимиз, балки юрагимиз (руҳимиз маъносида) билан ҳам англаймиз. Юракнинг ақл тиши ўтмайдиған ўз қонуллари бор»⁵⁵.

Инглиз файласуфи **Жон Лок** (1632–1704) инсон камолотида рух ва ақлнинг роли ҳақида куйидаги фикрларни билдирган:

«Билим олоқлик яхши рухий сифат этағарида эзгу фазилатларнинг инада равнақ топишита хизмат қилади. Яхши рухий сифатлардан маҳрум

⁵³ Ҳақиқат мансаралари. – Т.: Янги аср авлоди. 2002. 255, 256-б.

⁵⁴ Ўша манба. 257-262-б.

⁵⁵ Ҳақиқат мансаралари. – Т.: Янги аср авлоди. 2002. 265, 266-б.

одамлар эса канча кўп билим олсалар, шунча ахлоқроқ ва бемаънироқ бўлиб боравердилар».

«Хасад – ўзимиз нестатган эзгуликка ўзгаларнинг эришгани туфайли юзага келадиган рухий безовталик».

«Жасорат қолган барча эзгу фазилатларнинг посбони ва тавничидир. Кимки бу сифатдан маҳрум экан, ўз бурчини катъийлик билан бажариш ҳамда чин нисонга ҳос барча яхши фазилатларни намойиш этишдан оқибат қоллади».

«Тафаккур худди кўз каби атрофдаги нарсаларни кўриш ва таҳлил қилиш имконини яратди-ю, лекин ўзимиз ҳақимизда ҳеч қандай билим бермайди. Тафаккур ёрдамида маълум масофадан туриб ўзимизга назар ташлаш учун биздан юксак санъат ва меҳнат талаб этилади»⁵⁶.

Голландиялик файласуф **Барух Спиноза** (1632–1677) бахтли бўлиш сирлари тўғрисида бундай дейди:

«Инсон донишмандлик ва ҳақиқатни англаш йўли билангина ҳақиқий бахт ва роҳат-фароғатга эришмоғи мумкин»⁵⁷.

«Қалбларни қурол билан эмас, меҳр-мухаббат ва оқибаноблик во-ситасида забт этиш мумкин».

Инглиз файласуфи граф **Шефтерн** **Антони Эшли Купер** (1671–1713) баркамолликка эришишда салбий ижтимоий сифатлар тўғрисида ва-зифасини ўтайди, дейди.

«Одамларнинг ўз нуқсонларига доир сўзларни сабр билан тинглаши уларнинг бу нуқсонлардан қутилиш сари қоз тутганидан далolatдир».

«Эхтирос ақл-идроққа хавф туғдирувчи ягона оғудир. Зеро, эхтирос барҳам тошғач, алдамчи фикрлар ҳам йўқолади»⁵⁸.

«Хулбонлик ва пасткашлик биздаги кўрқувни доимий йўлдо-шидир»⁵⁸.

Франгистонлик файласуф **Шарль-Луи Саконда Монтескьё** (1689–1755) баркамол бўлиш йўлларини куйидагиларда деб билган:

«Болаларда Ватанга мухаббат уйғотилиши энг яхши воситаси ота-ларнинг Ватанини севишларидир».

«Ҳаёт эзгулик қилиш учун инъом этилган. Мен эзгуликдан тўхтатган кўнми ҳаётимни «кайтариб берман». Чунки сабаб тўхтатганда ҳаракат ҳам тинмоти жониз»⁵⁹.

Франциялик файласуф **Франсуа-Мари Аруэ** (**Валтер**) (1694–1778)

⁵⁶ Уша манба. 271, 272-б.

⁵⁷ Уша манба. 274, 275-б.

⁵⁸ Уша манба. 276, 277-б.

⁵⁹ Ҳақиқат манзаралари. – Т. Янги аср авлоди. 2002. 280, 281-б.

нисон баркамоллигининг белгилари деб куйидагиларни билган: «Ҳар қандай ижод намунаси ижодкор тўғрисида гувоҳлик беради. Ҳеч нар-са мени бу олдий аксиома (исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат)дан кайтаролмайди».

«Ҳақоқ одамни таъкиб қилиш мумкин, аммо уни шарманда қилиб бўлмайди».

Файласуфнинг куйидаги: «Мутасассибонликдан нафратланувчи янги ав-лод этилмоқда, ҳадемай шундай кун келадик, файласуфлар раҳбарликни ўз қўлларига оладилар. Ақл-идроқ салтанати қал ростлайди», деган га-плари долзарбдигини шу кунгача йўқотгани йўқ.

Америкалик файласуф **Бенжамин Франклин** (1706–1790) инсоний муносабатлар муаммосини тадқиқ этиб, кўплаб фойдали амалий та-всияномалар ёзиб қолдирган. «Вакт – пул», – деган машҳур ҳикматининг муаллифи ҳам у.

«Дангасалик зангта ўхшайди. Нарсалар кўп ишлаш оқибатида эмас, занглан тезроқ емирилади».

«Мен аста-секинлик билан шунга ишонч ҳосил қилдимки, инсонлар-ро муносабатдаги самимийлик, ҳақиқатқўйлик ва ҳаққонийлик ҳаётий бахтга эришишда катта аҳамиятга эга»⁶⁰.

Инглиз файласуфи ва психологи **Давид Юм** (1711–1776) баркамол-ликка эришишда тушунчаларни тўғри таърифлашга катта эътибор бер-ган. Жумладан:

«Биз жасорат деб атайдиган рухий кўтаринкилик ва улутворлик белгиси сифатида қабул қилиб, завқланидиган нарса хотиржамлик ва катъийликка асосланган гуруҳ ҳамда ўзини хурмат қилиш демакдир»⁶¹.

Франгистонлик файласуф **Вовенарг Лок де Клане** (1717–1747) уюкко ва бир-бирини инкор қиладиган, янги, хилма-хил фикрларнинг устаси бўлган. Куйида улардан бир нечтасини келтирдик:

«Иллатлар туфайли кўлга киритилган фойда доимо улкан зарар би-лин қорилиш бўлади».

«Ўттрисини айтишга журъат этаман: инсонни ақл файласуфга, шухратсеварлик қаҳрамонга, эзгулик эса донишмандга айлантирилади».

«Агар ҳикматли сўзда изохга муҳтожлик сезилса, демак бу сўз тоби-га етмаган»⁶².

Германиялик мутафаккир **Иммануил Кант** (1724–804) инсон барка-мол бўлмоғи учун куйидагиларга амал қилмоғи керак, дейди:

⁶⁰ Уша манба. 289-291-б.

⁶¹ Уша манба. 299-300-б.

⁶² Уша манба. 305-б.

«Озимиздан чиқётган сўзлар ҳаққоний бўлмоғи керак. Аммо бу, биз ҳар қандай ҳақиқатни очиб айтишга мажбурмиз, дегани эмас».

«Итироб фаолит истагини уйғотади»⁶¹.
Франсуз файласуфи **Робине Жан Батист Рене** (1755–1820) куйидаги кимматли фикрларни айтган:

«Агар душманингиз бўлса-ю, сиз ундан нафратлансангиз, у холда унга роҳат-фароғат, улғуворлик, кўлаб ёш ва гўзал машуқалар, туганмас бойлик, чексиз ҳокимият тиланг. Ана шунда унинг куйфатга кўмилиб қандай халок бўлишини кўрасыз»⁶⁴.

Франсуз файласуфи **Шамфор Никола Себостян Рок** (1741–1794) баркамолликка эришиш йўллари устида фикр юритиб, куйидаги хикматларни ёзиб қолдирган:

«Агар одамлар ўзларида эзгуликка муҳаббат ва мақтовга лоқайдлик, меҳнатга ташналик ва шухратга бепарволик каби қарама-қарши сифатларни жамлай олганларида жуда яхши бўларди».

«Тарбия икки нарсага: ахлоққа ва мулоҳазакорликка таянмоғи керак. Ахлоқ эзгуликка тиргак бўлса, мулоҳазакорлик ёмонликдан асрайди. Агар сиз фақат ахлоққа суянсангиз, анқов ва жафокашларни, фақат мулоҳазакорликка таянсангиз, ўзига пишик худбинларни етиштирасиз».

«Эзу ишмииз учун муқофотлаш асносида савобни биздан тортиб олишадир».

«Олижаноблик – олиҳуқиммат қалбнинг ҳамдардидигидан ўзга нарса эмас»⁶⁵.

Немис файласуфи **Йоганн Вольфганг Гете** (1749–1832) куйидаги кимматли фикрларни айтган:

«Нафрат фаол норозилик туйғуси, ҳасад эса, аксинча, суст норозилик ҳиссидир. Шу боис ҳасаднинг қиска фурсатга нафратга айланишидан хайратланмаслик керак».

«Яхшиликни йўқотиш – кам йўқотиш, номуқсани йўқотиш – кўп йўқотиш, мардликни йўқотиш – ҳамма нарсани бой бериш демакдир».

«Инсон учун фақат биргина бахтсизлик мавжуд. У ҳам бўлса, ҳаётга ҳеч бир фойдаси тегмайдиган ёки меҳнатдан чагнатиладиган гоё билан банд бўлиш»⁶⁶.

Немис файласуфи **Йоганн Готтлиб Фихте** (1762–1814) кимматли куйидагича таърифлаган:

⁶¹ Ҳақиқат манзаралари. – Т. Янги аср авлоди. 2002. 314,315-б.

⁶⁴ Ушш манба. 328-б.

⁶⁵ Ушш манба. 330-б.

⁶⁶ Ушш манба. 331-333-б.

«Инсон зотига мансуб одамлар бир-бирига ўхшамайдилар. Уларнинг ўхшаш томони битта. У ҳам бўлса, барчанинг пироварди мақсади – муқаммаллик»⁶⁷.

Немис файласуфи **Георг Вильгельм Фридрих Гегель** (1770–1831) баркамол инсон бўлишнинг усулларини кўрсатган:

«Дин умуман инсон онгининг энг юксак ва сўнгги соҳасидир. У шундай соҳаки, инсон унга мутлоқ ҳақиқат оламига кирган каби қадам қўяди».

«Ўқиб билим одамларнинг фикри тўғри эканлигини тушуномқидир».

«Харқат инсон киёфасини очиб берувчи энг аниқ воситадир. Инсон қандай ҳарқат қилса, ўшандайдир».

«Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам оқилтона қарайди».

«Эркин одам ҳасалғўйлик қилмайди, у буюклик ва юксакликни сиқидилдан тан олади ҳамда уларнинг мавжудлигидан қувонади».

«Инсон билим туйғилигига барҳаётдир. Билим, тафаккур инсон ҳаёти, барҳаётлиги негизидир».

«Шиндэт билан таназузуга яқинлашиб бораётган халқнинг тақдирини фақат даҳотина саклаб қолиши мумкин».

«Ҳақиқатга қалб кўзи билан боқмоқ жониз. Тандаги кўз билан уни кўриб бўлмайди».

«Ўрни келганда ҳақиқатни айтмаслик яхши эмас. Бу нарса ўзингги ҳам, ўзгаларни ҳам таҳқирлаш демакдир. Бироқ лаёқат ёки ҳуқуқ бўлмаганда ҳақиқатни айтмаган маъқул»⁶⁸.

Рус мутафаккири **Петр Яковлевич Чадаев** (1794–1856) куйидаги хикматларни айтиб кетган:

«Суюқли одамларни севишдан осон иш йўқ. Аммо сеvimли бўлмаган одамларни ҳам бир оз яхши кўрмоқ керак».

«Инсоният анъаналарининг буюк хазинаси бўлиши Шарқни ўрғининг».

«Бошқаларнинг ортидан қувшимизнинг хожати йўқ. Биз ўзимизни ошқора баҳолаб, кимлигимизни тушуниб ололмаймиз, ёлгондан воз кечиб, ҳақиқат йўлини маҳкам тутмоғимиз керак. Шунда олға босамиз ва бошқалардан кўра илдамроқ қадим ташлаймиз. Чунки биз ўзгалардан орда қолиш асносида илғари ўтганларнинг бутун тажрибаси ҳамда асрий заҳматларидан бохабар бўламиз».

«Муқаммалликка яқинлашшини ягона мақсад қилиб олганларгина унга эриша оладилар».

⁶⁷ Ушш манба. 339-340-б.

⁶⁸ Ҳақиқат манзаралари. – Т. Янги аср авлоди. 2002. 344-б.

«Сиз бахтли бўлишни истайсиз-ку, ахир. Бас, шундай экан, шахсий фароғатингизни имкон қадар озроқ ўйланг-да, ўзгалар учун қайғуринг. Биттага мингта қарши чиққан холда гаров ўйнаб айтишим мумкинки, шунда сиз бу оламда мавжуд бўлган энг юксак даражадаги саодат лавза-тидан баҳраманд бўласиз»⁶⁹.

Немис файласуфи **Фридрих Вильгельм Ницше** (1844–1900).

«Ахлоқийлик мажбуриятни келтириб чиқаради. Кейинчалик у ода-га айланади, ундан сўнг эса ихтиёрий итоаткорликка ва ниҳоят, табиий майлга айланади».

«Олжаноблик хушфеллик ва халдан ортик ишловчанлик омик-тасидир».

«Биз нимани излаймиз? Хотиржамлик, бахтинми? Биз қанчалик дахшатли ва жирқанч бўлмасин, ҳақиқатни излаймиз?»⁷⁰.

Россиyalик файласуф **Василий Васильевич Розанов** (1856–1919)нинг қуйидаги хикматлари эътиборга сазовордир:

«Даралик ва зўравонлик 2 фозиз муваффақият келтирса, мулоийм-лик ва хожатбарорлик 20 фозиз муваффақиятнинг таъминлайди. Яхудийлар бу ҳақиқатни ҳаммадан аввал англаб етдилар».

«Таххир бир неча кун ўтганидан кейин шундай рухий ёғдуга айланадими, унга ҳеч нарса тенг келолмайди. Онингнинг олий даражада-ги тиниклашуви таххирсиз эришиб бўлмайди, деган фикрни айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Зеро, қомиллик таххир, маълумлик нималигини билмай доимо ғалаба нашасини суриб, юксакда юрганларга бир умр на-сиб этмайди»⁷¹.

Буюк чех файласуфи, педогоги **Ян Амос Коменский** (1592–1670) ўзининг тарбия назариясида таълим-тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги фаразни илгари суради. «Буюк дидактика»да ўқитиш табиийликка бўйсунини керак, дейилган.

Я. Коменский ўз асарларида тарбиянинг максалдини кўрсатади. Тар-биянинг максалди кишини баркамолликка етказиб, мангудлик дунёсига тайёрлашдан иборатдир. Бу ишни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин: ақлий тарбия, ахлоқий тарбия ва диний тарбия.

Коменский қарашича, муаллим ўқувчиларни ўйлашга, ҳаракатлан-тиришга, чигал масалаларни амалда мустақил еча билишга, сўзлашга, ўз фикрини тўғри ифода қилишга ва исботлаб беришга ўргатиши керак. У меҳнатта ҳам ёшлиқдан ўргатиш кераклигини илгари суради.

Коменский болаларда ёшлигидан бошлаб ахлоқ ва одоб ҳосили

қилиш кераклигини айтади. Булар мардлик, ўзини тутга билиш, чи-дамлик, вақт ва вазият талаб қилганда фойда етказишга тай-ёр бўлиб туриш, бурччи адо қилиш каби хислатларни ўз ичига олган асосий фазилатлардир. Шу асосий фазилатлардан ташқари камтарлик, муфтин-қобиллик, кишиларга хайрихоҳлик, покизалик, пухталик, хушмуомадаллик, қатталарни хурматлаш, меҳнагсеварлик хислатла-рини тарбиялаш ҳам муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Иоганн Генрих Песталоцци (1746–1827) Унинг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва маънавий ўстиришнинг энг муҳим воситасидир. Меҳнат одамнинг жисмоний кучигина эмас, шу билан бирга ақлини ҳам ўстиради, шунингдек унда ахлоқ ҳам тарқиб топади. Меҳнат би-лин шугўлланаётган одамда меҳнатнинг жамият ҳаётида жуда катта аҳамияти бор, деган ишонч тўғилади. Бундай ишонч эса одамларни ақил ва мустақкам иқтимоий иттифок қилиб, бир-бирига боғловчи энг муҳим кучдир.

Песталоццининг фикрича, таълим ва тарбиянинг максалди одамнинг барча табиий кучлари ва қобилиятларини ўстириш, ўстиранда ҳам хар томонлама ва бир-бирига уйғун равишда ўстириш.

Песталоццининг олдий таълим назарияси жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, ахлоқий, эстетик тарбия ҳамда ақлий тарбияни ўз ичига олади. Тарбиянинг мана шу ҳамма жиҳатларини Песталоцци бир-бирига боғлаб олиб боришни тақдир қилди. Мана шундай тарбиянинг натижасидати нисонинг ҳамма жиҳатлари бир-бирига уйғун бўлиб, унинг қамол топи-шини таъминлаши мумкин, дейди у.

Роберт Оуэн (1771–1858) ўзининг «Жамиятга янгича қараш ёки ин-сонда характер шакллантириш тўғрисида тажриба» асарига одамнинг характери унинг иродасидан айри бўлган атрофдаги иқтимоий муҳит шароити билан тарқиб топади, деб таъкидлайди. Одамларнинг фазилат-лари ва иллатлари, хатти-харакатлари улар яшаб турган иқтимоий муҳит шароитига боғлиқдир. Одам, — дейди Оуэн, — ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратолмайди ҳам. Оуэннинг фикрича, агар биз иқтимоий муҳит шароити ва тарбияни ўзгартирсак, хар қандай характер-ни тарқиб топтиришимиз мумкин. Шундай қилиб, Оуэннинг фикрича, халқни тарбиялаш ва унга билим бериш йўли билан жамиятни керакли усулда ташқил этишга муваффақ бўлинади.

⁶⁹ Уша манба. 347, 348-б.

⁷⁰ Ҳақиқат манзарилари. — Т. Янги аср авлоди. 2002. 359-360-б.

⁷¹ Уша манба. 364-365-б.

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БОЛА МАҚОМИГА
ЭРИШИШИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ФАЗИЛАТЛАР

Соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишиш учун, хар бир болада, бири бирини тақозо этувчи ва бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган куйилган фазилатлар шаклланиб бориши шарт. Буларга: «соғлом ва эзгу ниятли», «муस्ताқил фикр юритувчи ва билгимли», «имон ва эътиқодли», «меҳр ва мухаббатли», «ахлоқ ва одобли», «мулкий муносабатга эга», «уддабўрон ва тadbиркор», «меҳнатсевар ва шижоатли», «Хўкумчи ва экологик маънавиятга эга», «миллий ғурури бор ва Ватанпарвар», «тоғерант ва инсонпарвар», «мард ва жасур», «сабр-қаноатли ва сазоватли. Бу фазилатлар йнма характерга эга бўлиб, бошқа ҳаммаи мазлум бўлган ижтимоий сифатлар шу фазилатларга субстанция вази фасини бажариб, уларнинг таркибига унсуур бўлиб кирядилар. Масалан «соғлом ва эзгу ниятли» фазилати таркибига «рухий саломат», «жамонан бакувват», «ижтимоий фаол» сифатлар унсуур бўлиб кирядилар. Уз навбатига, «рухий саломат» деган ижтимоий сифатга «виждонли», «оқ кўнгли», «дили пок» ва шунга ўхшаш сифатлар унсуур вази фасини ўтайдилар. Бошқа ижтимоий сифат ва фазилатлар ҳам шундай, бир бирини тақозо этиб, бир-бирига субстанция вази фасини ўтайди. Буни мажмулар назарисидати конуниятлардан бири тақозо этади.

СОҒЛОМ ВА ЭЗГУ НИЯТЛИ

Боланинг жисмоний соғлигини шакллантиришда вужуд билан бир каторда унинг руҳи ҳамда акли фаол иштирок этади. Демак, чин саломат боланинг руҳи бакувват, акли расо, вужуди эса яхши ривожланган бўлиши шарт.

Боланинг рухий саломатлиги. Рух саломат бўлиши учун қилинадиган биринчи амал, хар бир ишни бошлашдан олдин, шу ишни тўғри ният билан қилиш керак. Тўғри ният қилинди деганда, чин дилдан ва фақат яхши ният қилиш тушунилади. Яхши ният деганда, ниятнинг заминига таъма ётмаслиги шарт. Масалан, фалон ишни қилсам боини кетардим ёки шу ишни қилсам менга яхши бўлар эди деб ният қилиб, харакатни бошлашлик таъматирлик хисобланади. Муайян ишни қилгани халққа ёрдамим тегар эди, ёки бу ишмдан оиламга катта наф бўлар эди, ёинки бу ишмдан фалончига фойда бўлар эди деб, холисона инти қилишлик яхши ният хисобланади. Фақат шундай руҳиятга эга бўлиши боланинг виждони бутун, дили пок, кўнгли очик дейилади.

Боланинг аклий саломатлиги. Аклийнинг соғлигини фақат билим олиш билан боғлиқ амалга оширилади. Билим олиш жарасини амалга оширишда ҳад қолувчи роли боланинг ўзи ўйнайди. Ҳеч қандай ота-она, ёру биродар ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар, бола миёсини «ёриб», аклийни тарбия қилиш билан соғлиб қўймайдилар. Акли фақат боланинг ўзи «ёриши», хар қандай билимини фақат ўзи олиши шарт. Ота-она, мураббий ва бошқалар, боланинг бундай ижобий харакатларига, фақат ёрдам бери оладилар, холос. Боланинг қанчалик билими кўп бўлса, шунчалик унинг ижтимоий моҳияти юқори, эл ичнда обрўйи баланд ва имони мураккам бўлади.

Рух ва акл тарбияси тўтрисидати мазлумотга бир оз бўлса-да эга бўлганимдан кейин, вужудни, яъни танани жисмоний томондан тарбиялаб чиқатириш учун нима қилмоқ керак? – деган саволга жавоб беринга урнинб кўрамиз.

Боланинг жисмоний саломатлиги. Кишининг жисмоний саломатлиги, асосан, соғлом ҳаёт тарзига боғлиқдир. Соғлом ҳаёт тарзини тарбия қилишнинг тилайгина сирлари бўлиб, бу сирларни ўргатувчи ва тарбия қилиш асосига стазувчи махсус илм-фан соҳаси борки, уни «Валеология» дейдилар.

Валеология – лотинчада «соғ бўлиш» маъносини билдиради. Биринчи бор бу атмаин профессор И.И.Брахман қўллаган. Бу нарсга, жамият учун ўта зарур бўлганлиги туфайли, «валеология» тушунчаси ижтимоий фан соҳалари орасида кенг ёйлиб, шу кунда, шу ном билан атагувчи ини фан соҳаси тарқиб топиб, ривожланиб бормокда.

Валеология айтилганда, валеология – келажакнинг илм-фанидир. Чунки инсонларнинг аксар қисми, соғ ва кўркем бўлишни, узок умр кўриб, бахтон қаб кечирини истамоқдалар. Жамиятнинг хоҳиши борми, дини, ижтимоий буюртма бор деган сўз. Ижтимоий фан олтим ва амалитларни бу буюртмани бажаришлари шарт. Зеро, жамият орасида инсоннинг тасхмилли тамойили бўйича, бу вазифа айнан уларга юқлатилган.

Валеология атилган адабиётларнинг кўпчилигида бу фан медицина ва табиийи дейилмоқда. Шу билан биргалликда, бир катор адабиётларда уни руҳшуносликка, одобшуносликка ёки жисмоний тарбияга инти фан, деб ҳам айтмоқдалар. Бундай бирёқламлик валеология фани ва табиийи тулик очиб бермайди. Чунки валеология фанлараро янги бир инсон дунялини бўлиб, уни бирдай, ҳам медицинага, ҳам одобшуносликка, ҳам руҳшуносликка, ҳам жисмоний тарбияга онд жабахалари бор. Валеология тўғри тушуниш учун бу тўрт илмий йўналишни омихта инсоннинг кўра олиш керак. Вокеликка бундай ёндашув, юқорида ай-

тиб ўтганимиздек, мажму ёндашув дейилади. Демак, соғлом турмуш муаммоларини ўрганишда, бу жараёни бир бутунликда кўриш лозим. Мажмулар назарисидан билимшики, ҳар қандай бутунлик бир неча ўзаро узвий боғлиқ бўлган унсурлардан таркиб топган бўлади. Валеология ҳам бундан истисно эмас. Медицина, рухшунослик, бадан тарбия ва ахлоқшуносликлар, ўзаро функционал боғлиқликда бўла туриб, бир бутунни ташкил қилувчи валеологиянинг таркибий қисмларидир. Бу ҳолисани чуқур билиш учун мажмулар назарисини билиб олиш тилби қилинади. Мажмулар назарисини мажкур китоб муаллифи ёзган «Комплектика элгувчи китоб» (2006 й.) ёки «Педагогик маҳорат асослари» (2009 й.) деган асарларидан билиб олишингиз мумкин.

Соғлиқнинг таркибий қисмини жисмоний саломатлик ташкил қилувчан, жамиятимиз аъзоларини жисмоний томондан соғ ва баркамол бўлишлари учун, жисмоний баркамоллик ўзи нима, бундай баркамолликни қандай қилиб шакллантирса бўлади, деган саволларга жавоб топшимиз лозим бўлади.

Жисмоний баркамоллик – бу кишида жисмоний сифатларини юқори даражада ривожланганлигидир. Жисмоний яхши ривожланган киши тўғри ва енгил қадам ташлаб юриш, тез югуриш, сузиш ва бичрача ҳаракатларни тез бажариш каби ҳаётда муҳим аҳамиятта эта бўлган ҳаракат малакаларини мукаммал эгаллаган бўлиши керак.

Кишини ешлигидан бошлаб жисмоний жиҳатдан мухтазам тарбиялаб бориш натижасида, унинг ҳақиқий жисмоний баркамоллигини эришиш мумкин. Демак, ҳар қандай инсоннинг жисмоний соғлигини, у ўсиб-ўнган оиланинг соғлом ҳаёт тарзига боғлиқ. Шу тамойилга биноан Республика «Оила» илмий-амалий маркази «Соғлом она – соғлом фарзанд» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 41-сонли «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг усулларини яхшилашнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ, бир қатор иккбий ишларни амалга оширмоқда. Улар энг аввало оналаримизнинг жисмонан соғлом ва бахливи бўлишлари, соғлом фарзанд дунёга келишининг оила муҳитига боғлиқ омилларини ўрганишга қаратилган. Оилани саломатлиқнинг асосий негизи деб қараб, нафақат туғиш ёшидаги аёллар, балки бўлажак оналар – қизлар ва ўсмир қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда Республикаimizда оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш борасида улкан ишлар қилинаётган бир пайтда айрича ота-оналарнинг нотўғри фикрлашлари оқибатида қариндош-уруғлар

ўрғаниши ва никоҳлар, унинг натижасида туғма нуқсонли болаларнинг туғилиши давом этмоқда.

Иккбийнинг нотирон ёки туғма нуқсонлар билан туғилишига бир-бирига ўзаро қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳгина сабаб бўлмай, валеологиянинг тавсир этилиши ҳамда улар организмга ташкилининг кўрилуши, боланинг нотирон бўлиб туғилишида 47,5 фоиз оналарнинг касалликлари сабаб бўлган бўлса, 21,4 фоизда отанинг зарарли касалликлари, 9,3 фоизда наслий касалликлар, 13,1 фоизда туғруқ қилиниши, 1 йилга етмасдан туғилиши хисобига келиб чиққан. Саломатлик ҳар бир одамнинг энг қатта шахсий бойлигидир. Одамнинг валеологиянинг муҳофазаси қилиш учун жуда катта имкониятта эта, лекин бу валеологиянинг чекини эмас. Агар зарарли омил киши валеологияга мунтазам таъбир этиб турса, валеологиянинг аҳоли ёмонлаша бориб, касаллик пайдо бўлади. Бунинг учун аҳоли ва айниқса, болаларнинг санитария саводчилигини ошириш қатта аҳамият касб этади. Бу эса, болаларимизни касалликдан уқуғуғларнинг бу соҳада саводлари юқори бўлишлтигини талаб қилади. Бундай саводни ўқуғуғлар педагогика фанидан олади.

Педагогика фани ўқувчи-талабаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашнинг ташкил этилиши физиология фанининг одам организмидеги барча валеологиянинг ўзаро алоқдорлиги ва бир-бирига тавсир этилиши, барча валеологиянинг функцияси ҳақидаги малажумотларга таянади. Инсония валеологиянинг физиология нуктаи назардан ёндалиши, одамнинг жисмоний тарбияси билан бутун валеологиянинг гармоник ҳолда ривожланиши ва тарбияланишига қилиб йўлга қўйишни талаб этади.

Жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш, жисмоний маданият ва валеологиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлгани билан, уларни ўрганишда валеология, алоқда кўриб чиқишлик тўғри бўлади.

Жисмоний тарбия – таллим-тарбия жараёни бўлиб, у киши валеологиянинг валеология ва функционал равишда тақомиллаштиришга, унинг валеология ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат малакаларини яхшилаш ва қандай бўлар боғлиқ боғлиқ бўлган билимларни таркиб топтиришга қаратилган. Аҳолининг саломатлиги, жисмоний кобилиятларининг валеологиянинг ривожланишига, спорт маҳорати ҳамда жисмоний тарбиянинг яхшиларининг турмушга сингиб кетганини даражаси жисмоний тарбия кўрсаткичларидандир.

Жисмоний ривожланиш – бу киши валеологиянинг ҳаёт шароитлари ва

тарбия таъсирлида такомиллаштириб борувчи биологик шакл ва функцияларнинг қарор топиш ҳамда ўзгариш жараёнидан иборат бўлиб, у биологик ривожланишнинг энг муҳим омилларидандир.

Жисмоний маданият — умумий маданиятнинг бир қисми, халқнинг жисмоний жиҳатдан баркамоллика етказишда махсус воситаларни яратиб ва ундан фойдаланиш ишида эришилган ютуқлар йиғиндисидан иборатдир.

Инсонни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш жараёнида куйидаги вазифалар ҳал қилинади:

— соғлиқни мустаҳкамлаш ва чиниктириш, вужуднинг жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишига ҳамда ишчанлик қобилиятининг ўсишига ёрдамлашиш;

— ҳаракат малакалари ва кўникмаларини таркиб топтириш ҳамда такомиллаштириш, ҳаракатнинг янги турларини ўрганиш ва бу билан боғлиқ бўлган билимлар бериш;

— асосий ҳаракат сифатларини (кучлилиқ, чидамлилиқ, тезлиқ ва ҳаққонлиқ) ўстириш;

— ирода, боғирлиқ, қатъийлиқ, интизомлилиқ, жамонавийлиқ, дўстлик туйғулларини, маданий ахлоқ, меҳнатга ва жамият мулкига тежамкор муносабатда бўлиш малакаларини тарбиялаш;

— жисмоний машқлар билан мунтазам шугулланиш одатини ҳосил қилиш ва бунга қатъий риоя қилиш кўникмасини пайдо қилиш;

— гигиеник малакаларни синдириш, жисмоний машқлар ва чиникиш гигиенасига мувофиқ билимлар бериш.

Демак жисмоний тарбия инсон биологик моҳиятини ривожлантириш экан, инсоннинг биологик моҳиятига, биринчидан, тик юриш хусусиятини киритган эдиқ. Шундай экан, киши қанчалик тик, фоз юрса, шунча кўркам кўринади. Аммо фоз юришни меъёрдан ошириб, гердай-ишта ўтказиб юбормаслик жоиқ. Буклиброк ёки энгалиш юртан одам хунж кўриниб, бошқаларда унга нисбатан шубҳа туйғусини уйғотади. Кўррак қафасини кердиброк тик юртанда инсоннинг ички аъзолари, айниқса ўлка, жигар, ошқозон ҳамда юрак фаолияти ҳам яхшиланади. Демак, тана сиҳатлиги ошади.

Инсоннинг яна бошқа маҳлукотлардан фарқи, унинг қадди-қоматино, кўл-оёқларининг шакл-шамойилидир. Қадди-қомат ва кўл-оёққа чиройли шакл берадиган улардаги мушаклардир. Мушаклар бўлиқ ва таран бўлса одамнинг ташқи кўриниши кўркам бўлади. Унинг устига териси силлиқ ва ранги тоза бўлса, нур устига аъло нур.

Қадди-қоматини тўғри олиб юриш, мушакларининг шакллари ва терисининг ранг-рўйини яхшилаш ҳамда танасининг умумий биосоматик

қураткичларини ошириш йўллари тўғрисидаги адабиётларнинг сон-саноти йўқ. Биологик моҳияти устида астойдил ишлашман деганлар бу адабиётларни топиб, ўқиб олишлари мумкин.

Тананинг соматиқ ҳолати шаклланишида инсон билан табиат орасидиги муносабатлар мувоzanати етакчи ўрин тутлади. Она табиат ўзининг барча унсурларини ўзаро мувоzanат ҳолда яратган. Инсон эса табиат учуридир.

Табиат, ўзининг унсурлари орасидаги муносабатларни мувоzanат ҳолда яратгани билан, инсон ўз фаолияти натижасида бу мувоzanатни бузиб юборган. Табиатдаги мувоzanат бузилган жойда яшовчи болалар ҳам зарар кўриши табиий, чунки бола ҳам табиатнинг бир қисmidир.

Боланинг табиат билан муносабати нафас олиш, овқат ва сув истеъмоли қилиш, меҳнат ва дам олиш жараёндари орқали содир бўлади. Агар табиий унсурлар, жумладан ер, сув, ҳаво, озик-овқат ва бошқалар вужуднинг табиий талабига тўлиқ жавоб берсалар, киши саломат юради. Гарчи, жавоб бермаса, организмда зўриқиш пайдо бўлади. Вужуд унсурларининг сурункасига зўриқиш одамда соматиқ касаллиқни пайдо қилади. Касаллиқларнинг келиш сабаблари тўрт хил.

Биринчиси, молдйи сабаблар. Улар куйидаги негизлардан иборат: яқни негиз — аъзо ёки руҳдир. Бола касал бўлмаслиги учун аввало руҳни покчида ушлаши керак. Руҳ покчилиги фикр, ният, амал, тил, овқат ва тана покчилиги билан узвий боғлиқдир. Узоқроқ негиз хилт — суюклиқдир. Тана сиҳатлигини сақлаш учун хилтга тоза ва мувоzanат ҳолда ушлаб туриши керак. Инсон танасида тўрт хил суюклиқ мавжуд. Бу қон, балғам, сафро ва сийда кўринишига эга. Танада қайси бир суюклиқ микдори ошиб ёки камийиб кетса, вужуд шунга боғлиқ касаллиқлар билан оғрий бошлайди. Энг узоқ негиз табиий унсурлардир. Буларга ер, сув, ҳаво кирлади.

Иккинчи турдаги сабабларга овқатланиш, чанқокни босиш, бўшлиниш, ҳаракатланиш, уйку, белорлиқ, ёшнинг ўзгариши, жинс ва бошиқа бевоcита таъсир этувчи омиллар кирлади.

Учинчи турдаги сабаб миқоз ҳисобланади. Замонавий тибиётда бу хил сабабни эътиборга олмайдилар. Табиолар эса, аксинча, бу сабабга катта аҳамият бериб, касални шунга асосан даволайдилар. Миқоз шугрисидаги адабиётлар дедрли йўқ бўлгани учун, у тўғридаги маълумот асосин Ибн Синодан олинди. Мирқозга батафсиқроқ кейин тўхталамиқ.

Тўртинчи хил сабаб инсоннинг меҳнат фаолиятидир. Киши меҳнат жараёнида табиат билан муносабатда бўлиб, иш жойи дизайни ва санитариини нормаларига мос бўлмаганда ишчида зўриқиш пайдо бўлиб, махсус касаллиқ касаллиқлар билан оғрий бошлайди.

Хўш, бу дардларнинг чораси қандай? Юқорида айтиб ўтганимиздек,

инсон вужуді ўзининг тадрижий тараккиети, яъни эволюцияси давомидатида табиатдан маълум тартиб ва меъёрга мослаштирилган. Инсоннинг вазифаси шу меъёр ва тартибни англаб, уни сақлаш, бунга эришиш ва иборат. Бунинг учун инсон миқоз, меъёр, овқат қабул қилиш, нафас олиш ва суяклик истеъмол қилиш одоблари, табиий эҳтиёж хасталикнинг асли моҳиятини, хусусиятини тўғри англаб, уларга риоя қилиб борса қифо.

Тирик организм, шу жумладан инсон вужуди ҳам Хужайралардан иборат. Хужайра тирик тананинг ҳаётини бирлиги. Шунинг учун Хужайралар миқёсида муҳим ҳаётини жараёшлар содир бўлади. Хужайра озикланниш, нафас олиш, ўсиш, бўлиниш, ривожланиш, тасирланиш, касалланиш, нобуд бўлиш каби хусусиятларга эга. Бу жараёнларни содир бўлиши учун бир томондан, Хужайра организмларига оксиген, ёғлар, углеводлар, аминокислоталар, витаминлар, микроэлементлар, ўсимлик клетчаткаси каби моддалар етиб келиши зарур. Иккинчи томондан, Хужайра керакмас, ортиқча ва захарли моддалардан тозаланиб туриши керак. Иккада ховлат муъносиб равишда таъминланиб турилса, Хужайра, бутун вужуд иш фаолиятини яхши бажарди. Натижанда инсон танаси соғлом бўлади.

Танага керакли моддаларни етказиб бериш ҳақида гапиралган бўлсак, Хужайрага керакли моддаларни табиат кенг кўламда яратиб қўйган. Улар турли-туман мева ва сабзавотлар, шифобахш ўт-ўланлар таркибиди маъжуд. Инсон ўз вақтида ва ўрнида зарур бўлган табиий моддаларни истеъмол қилиши керак. Яхши, кучли овқатларни ноўрин ва нотўғри истеъмол қилиш танاداتи Хужайралар фаолиятини издан чиқаради. Улар керакмас моддаларни парчалашга кучи келмай, уларни ноилож бир ерга тўпашга мажбур бўлади. Ошиқча ёғлар, углевод (карбон сувлар)лар танада тўпланиб, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Демак, бизнинг тана сихатимиз тўғри овқатланишимизга бевосита боғлиқ экан. Истеъмол қилинган овқат хазм бўлиб қонга ўтади. Қон орқали вужуд учун зарур элементлар танага тақсимланади. Соғлом коннинг хосли бўлиши тоза хавога, кўёш энергиясига, тоза сувга ва озуқа маҳсулотларига боғлиқ. Хужайрада бир вақтнинг ўзидики икки жараён содир бўлади: 1. Курйлиш. 2. Парчаланиш. Фалсафий саводимизни ишта солиб фикр юритсак, бу «карама-қарши кучлар бирлиги ва кураши» қонунининг киши организмидики ишлатилдир.

Тиббиёт олимларининг ёзишича, бир дақиқада инсон танасидики қонда 7 миллион қизил қон таначалари иш жараёнида нобуд бўлади. Етти миллион қизил қон таначаси тикланиши учун старли материял та-

нига озуқа орқали тушиши керак. Бу фақатгина қондаги нобуд бўлиш ва тикланиш жараёнидир. Бу хилдаги жараён тананинг ҳамма ўнсурларидики турли тезликларда содир бўлади. Вужуд қайта тикланиши учун биз унга керакли модда ва элементларни етказиб беришимиз зарур.

Маълум бир вақтда парчаланган Хужайраларнинг тикланиши учун танга старли моддалар тушмаса, вужудда мувозанат йўқолади ва организм ўриқадик ҳамда занфлашди. Бу жараён сурункасига давом этса киши касалланади.

Хар бир инсон танасидики Хужайралар учун зарур бўлган моддаларни билиши ва истеъмол қилиши шарт. Акс холда кишининг соғлом бўлиши даридаҳол. Танани тозалаб, Хужайраларни тўғри озиклантирилган барча касалликлардан хон бўлиб, Биологик моҳияти ошди ва умри узок бўлади. Тангри таоло одамни биологик тур қилиб яратганда, Инжилда ёзилишича, 120 йил яшашни буюрган. Ҳозирги замон олимлари бу муддатни 200 ва ҳатто 400 йил демокдадар.

Амиди ваъда берганимиздек, миқоз масаласига бир оз тўхталиб ўтайлик. Ўтмишда буюк аллома-даримиз таъбабат ҳақида яратган асарлар билан танишар эканмиз, уларда миқозга етакчи ўрин беришганини кўрамиз. Даволаш миқозга қараб белгиланган. Инсоннинг миқозни томир, тел, кўз, бадан, пешоб ва ахлат рангидан аниқланган. Шунга кўра парҳез ва дори-дармонлар буюрилган. Табиб нафақат одам миқозини, балки хар бир ўсимлик ва ҳайвондан олиндиған дори-дармон ва озик-овқатларнинг табиати ҳамда миқозини ҳам яхши билган. Лекин миқозни аниқлай олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдик. Бунинг учун ўз инининг фидойисин бўлиб, кўп тажрибалар ўтказиш, пири устоз кўриш, илҳам ва чуқур мулоҳазали бўлишлик талаб қилинади.

Табиблар миқозни аниқлашга, асосан Ибн Синоннинг ўтишларига бўлиниб иш кўриб келмоқдалар. Ибн Синоннинг «Қонун» ва «Уржув» китобидики миқоз ва унинг турлари ҳақида ўзидан аввал яшаб ўтган табибларнинг маълумотларига таяниб ва ўз тажрибаларидан хулоса чиқариб таъриф бериб ўтган.

Ибн Синоннинг таърифича, «Ўнсурларнинг ниҳоятла майда бўлиқларидан, карама-қарши кучларнинг бир-бирига тасиридан тай-куватлари билан бири-бирига таъсир қилиш натижасида маълум бир кифият вужудга келадикки, ана шу кайфият миқоздир. Ўнсурлардаги кайфият тург хил: исёк, совуқ, хўл ва қуруқ бўлади.

Одам, озик-овқат ва дори-дармонларнинг миқозини аниқламоқчи

¹ *Абу Али Нои Сино*. Тибб қонунлари. 2 китоб. -Т.: Фан. - 1975. *Абу Али Нои Сино*. Табибнинг ўлиги (врачевское искусство). -Т.: Мехнат. - 1991й.

бўлса, аввал унинг икки томонини, яъни иссиқли-совуқли, хўлми-курۇқли эканини аниқлайди. Сўнг бу мижозларни бириктириб, уларни хўл-иссиқ ё хўл-совуқ ёки курۇқ-иссиқ ё курۇқ-совуқ деб белгилайди. Улар рамзий мижозлар деб аталади.

Таботат оламдаги буюк алломаларнинг фикрича, тана сиҳатини тўрт унсурнинг муносибланига боғлиқ экан. Бу хилт (суюқлик) кон, савдо, сафро ва балғамдан иборат. Бу унсурларнинг қувватлари ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган тана кайфияти (реакцияси) инсон мижози деб аталади.

Тўрт хил унсурларнинг миқдори киши танасида тўғри тақсимланса мўътадиллик рўй беради. Бундай кишиларнинг танаси мўътадил мижоз деб аталади.

Хар хил вазиятларда вужуд иссиқроқ, совуқроқ, курۇқроқ ёки хўлроқ бўлиши мумкин. Бу ҳолларда мўътадиллик у ёки бу томонга ўзгариши билан мижоз ҳам ўзгаради.

Инсон биологик умри тўрт даврга ажралади. Биринчиси, ўсаш – 30 ёшгача. Иккинчиси, тўхташ – 40 ёшгача. Учинчиси, қувват бўла туриб чўкш – 60 ёшгача. Тўртинчиси, қувватсизлик ва чўкш – 60 ёшдан кейин. Бирок, бу бўлиниш шарти бўлиб, кишининг яшаш шароити коникарли ё коникарсиз, яшаш ҳудудининг муҳити тоза ёки бузуқ, меҳнат жамоасининг руҳий муҳити яхши ёки ёмонлигига қараб, бу мезонлар камайиб ёки ортиб туриши мумкин.

30 ёшгача бўлган одамнинг мижози асосан мўътадил бўлади, бирок шунда ҳам қисман иссиқ ёки қисман совуққа мойил бўлиши мумкин. Шунинг учун педиатрияда мижозни эътиборга олмайдилар.

Ёши ўтиб борган сари кишининг танаси совуқ ва курۇқ бўла бошлайди ва қариганда инсон асосан совуқ мижозли бўлиб қолади.

Ёшлигида мўътадил мижозли бўлгучиб, совуққа мойилроқ бўлганлар, қариганда ўта совуқ мижозли бўлгучилар. Бундай одамларнинг даб бурчиари бичилиб, оғизларидан сулак оқиб, қовоқлари озроқ шишган, уйкута мойил, ҳаракатлари суст, иштаҳаси яхши бўлмагача ҳам, асосан тўла бўлгучилар.

Ёшлиқдан иссиқ мижозга мойил бўлганлар ёши ўтган сари совуқ мижозли бўлиб, ўзларини анча яхши ҳис қилгилар. Уларнинг танаси озгин бўлади.

Кишининг ёши ўтиши билан мижози совуқлаша боришини ҳисобга олиб, тана мўътадиллигини, озик-овқатни танлаб сийш билан, мижоз мувозанатини сақлашга эътибор беришиниғиз лозим. Ёшлигида совуққа мойил, қариганда ўта совуқ мижозли одам анжир, пишган узум, хурмо ва ширин анорлардан кўпроқ тановул қилишни, тезкор ҳаракатлангани

(юлтуриш, сакраш) керак. Иссиқ тулроқ, кум ва савна ҳаммом ёрдамида тандаги совуқ хилтларни эритиб, тер билан чиқариб юборса, тана мўътадиллигини сақлашга катта ёрдам беради.

Аёллар мижози эркекларникига нисбатан совуқроқ. Совуқ мижозли одамларга қараганда иссиқ мижозлилар бақувватроқ бўлади. Совуқ мижозли кишиларнинг териси мулоylim, ноziкroқ, гадаси асосан семиз, бошлари сарик ёки кўнгиp, кон томирлари ингичка, кўзга кўринмайдиган бўлади.

Иссиқ мижозли кишиларнинг териси давлроқ, гадаси курۇқ, котма, бошлари қора, кон томирлари йирик ва кўрингдиган бўлади.

Бу айтганларимиз фақат икки қарама-қарши типдаги кишиларга таллуққилдир. Ундан ташқари ўرғача, ўрғачдан иссиқроқ, ўрғачдан совуқроқ ва хоказо типдаги таналар ҳам мавжуд.

Ўз биологик моҳиятинигиз устида ишлаш жараёнида мижозга ва унинг ўтаришига етарлича эътибор берсангиз, ҳаракатинигиз тўғри тус олиб, на-тинкиси яхши бўлади.

Қуйида инсон танасидаги хилтларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача маълумот берамиз.

1. Қон (иссиқ, ўрни жигарда). Танадаги кон метрйдан ошиб кетса, кишини уйку босади, бош оғриғи авж олади. Балзан бурнидан кон келади. Одам айшу ишратга берилиб, ширин орзуларга чўмади. Тушида оловни, қилликни, ширинликни кўради, кўзлари қизариб, оғзи ширин бўлади.

2. Сафро (иссиқ, ўрни ўт нуфатида) – сарик модда. зардаси ошиб кетса одамнинг териси сарғаяди, иштаҳаси пасаяди, оғиз шўр ва ачық бўлади, бош оғриғи. Уйкусизлик авж олиб, тили ва оғзи курۇқлаш туради, меъда қуюшиб, кўнгил айнайди. Пешобнинг ранги сарғайиб, киши ўзини ғалати сезади, тушида ўт ва бошқа сарик нарсаларни кўриб туради. Сафрони ошиб кетгани кўпигача ёз фаслида ва иссиқ иклим шароитида рўй беради. У кўпроқ жигар касалликларидан келиб чиқади. Соч тўкилади, соч-сокол эрта оқаради, кўл-оёқ оғриғи, тизза оғриғи, таом яхши хазм бўлмайди.

3. Савдо (совуқ, ўрни қора талокда). У ошиб кетса, баданнинг ранги ўчади, одам кам иштаҳа бўлади, ёмон авторли, фикри паршион бўлади. Томлари суст уради, лаблари шўр бўлади, қабзигат қузғитилади, баданида қора доғлар пайдо бўла бошлайди. Кўрроқ бўлиб қолади. Сийдиги ва ахлиги ок туста қиради. Ваҳимали тулшлар кўради, кўз хиралашади. Бу хол кўпигача куз пайтида ёки шимолтий минтақаларда рўй беради.

4. Балғам (совуқ, ўрни ўтқада). У ошиб кетса бош оғриғидади, одам уйкусраб ҳафсаласиз бўлиб қолади. Сустканш ва мадорсия бўлиб, ранги оқаради. Оғзи нордон, ачық бемаза бўлиб, сувга тўлиб қоради, тез қийқолгандади, сийдиги ғализ бўлиб, чанкаган бўлса ҳам чанқокки сезмай-

ди. Тушида суви, денгени кўради, уни корончулик куришаб олади. Бундай ҳолат камҳаракатликдан, ҳаммомга тушмаслик, кўп овқат ейиш натижасида келиб чиқади. Балғам олиб кетиши асосан кпш вақтда юз беради. Ёзда кон ва балғам қамаяди. Ёз бошида сифро кўпаяди. Ёзнинг охирида ўтнинг суёқ молдаси тарқалиб, кучоги тўпангавлиги сабабли савдо кўпаяди.

Замонавий тиббиётда беморнинг қони, пешоби, ахлати, оғиздаги сувоқликни текшириб кўриш натижасида ташхис қўйдилар ва даво чорасини кўрадилар. Тезкор ва малакли ташхис қўйиш имконияти ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас. Шўни ҳисобга олиб, биз ҳамма учун қўйилган мавжумотларни келтирамизки, улардан фойдаланиб тананинг жисмоний ҳолатини хар қим аниқлаб, вужудидати мувозанатни бўзулишига ўтарлиш қирита олин. Натўжада тани сикатлиги яхшилансин.

Балғам орқали кўррак ва ўпкада содир бўладиган ўтарлишлар аниқланади. Балғам оқ ёки сарик бўлса, у савдо ва сафрони олганлигидан дарак беради. Балғам юмалоқ, доира шаклида бўлса, бундан ташқари киши иситмадаса, ўпка шишганлиги мавжум бўлади.

Пешобнинг ранги оқ бўлса, бу овқатнинг ёмон ҳазм бўлиши ёки жигар йўлининг зарарлангани нишонасидир. Сарик ва қизил рангдаги сийдик саффо ва қоннинг меъёридан ошганлигини билдиради. Пешобда дурдадар бўлса, дардинг пишиб етилгани. Пешоб устида доғ сузиб юрса, дард етилмагани, доғ илпининг четга кетса, дардинг қайишидиган дарак беради. Пешобнинг ранги сарикдан оққа мойил бўлса, чўкнндилар идиш тубига баробар чўкнб турса, дард етилганидан далолатидир.

Ахлат меъда, ичак ва жигар ҳолатини мавжум қилади. Ахлат кам бўлса, бадан яхши озикланаётганидан, кўп бўлса кам озикланаётганидан хабар беради. Ахлатнинг оқариши зардинг кўлиги аломати. Ахлат сўст келса, ичак совуқлиги нишонаси. Ахлат тез келса, ичак иллатлари, меъда жароҳати, ўн икки бармоқ ичак яраси ва бошқа хасталиқлар аломатидир. Тердан ҳам касаллик аниқланади. Кипининг кўп терлаши танасида намликнинг кўпчилиги ва қувватсизлигидандир. Тер оқ бўлса балғамдан, сарик бўлса сафродан, қизгиш бўлса қондан, қора бўлса савдодан. Баданнинг барча жойи терласа яхши, айрим жойлари терласа ёмон.

Кон рангининг пастлиги ва сувоқлиги унинг қамлигидан, сарғиш бўлса, сафронинг кўпчилиги, сарик қисди нишонасидир.

Тананинг жисмоний саломатлигини, яъни инсонга таъбиатдан берилган биологик моҳиятти сақлаш учун қўйилган тадбирларга рио қилиш зарур. Биринчи тадбир парҳез, яъни мавжум бир режимда ётмоқ-турмоқ ва миқозга қараб овқатланиш. Ётмоқ-турмоқнинг энг яхшиси эрта ётиб, эрта турмоқликдир. Овқатланишнинг парҳезида тоҳо баъзи овқатлар ман қилинади, тоҳо қайирилади, тоҳо уларни кўпроқ истеъ-

моЛ қилиш тавсия этилади. Жисмоний саломатлигини сақлашман деган одам, ўз миқозига мос келадиган овқатларни истеъмоЛ қилиши лозим. Умуман, кўп овқат ейиш барчага бирдай тавсия қилинмайди. Чўнки кўп овқат истеъмоЛ қилинганда, танада ошкча молдалар тўпланиши ва организмнинг семирлишига сабаб бўлиши туфайли ҳамма аъзолар ва вужуд қисмилар(система) фаолиятини сусайтиради. Кучли овқат истеъмоЛ қилиш асосан эрталаб ва туш вақтига тўтри келиши керак. Кечқурун, айниқса ёши ўтганларга, енгилгина ва озроқ овқат истеъмоЛ қилиш лозим. Ёзда асосий овқатланиш вақтимиз кечқурунга тўтри келади. Шўнинг учун кўпчиликнинг тана оғирлиги меъёридан ошиб, танада инқилмалар ҳосил бўлади, мўътадиллик мувозанати йўқолиб, касалликлар келиб чиқади. Айниқса, оёқ оғирлиги кўп учрайди. Хар хил эримайдиган тузлар суяқлар бирикмасида тўплана бошлайди. Натўжада тана аъзоларига қон ва у билан бирга бошқа молдаларни етиб келиши қийинлашади.

Суви истеъмоЛ қилиш ҳам меъёрида бўлиши зарур. Оч қоринга, туғиб овқат егандан сўнг ва оғир ҳаракатлардан кейин суви ичмаслик керак. Тананинг табиий хароратига таъсир қилувчи нисик ҳаммом, кучли ис-туғилудан кейин ҳам суви ичылмайди.

Соғлом бўлиш учун истеъмоЛ қилинадиган озиқ-овқат ва сувоқликнинг инқилорига, сифатига, таркибига, таъмига эътибор бериш зарур. Танада ел ҳосил қиладиган туғ, нўхат, ловия, қатик ва бошқа овқатларни истеъмоЛ қилганда, уларнинг ҳуусуиятини ҳисобга олиш лозим. Секин ҳазм бўлидиган овқатдан сўнг тез ҳазм бўладиган овқат ейиш зарарли.

Том истеъмоЛ қилишни тартибга солишнинг илк зарурияти унинг инқилдир. Овқатнинг биринчиси пастроққа тушгандан сўнг очлик сезилса, иккинчиси истеъмоЛ қилинади. Ичимга тушгани фойда деб, сиверлиш қони зарардир.

Овқат истеъмоЛ қилингандан сўнг ҳазм бўлиш йўлиарига эътибор бериш ҳам яхши омиллардан биридир. Овқатлангандан сўнг тез ҳаракат қилинг. Тез ҳаракат қилинса, қориндаги овқат қайқалади ва сизни лоҳас қилиди. Овқат ҳазм бўлаётганда узоқ вақт ҳаракатсиз қолиш ва ухлаш ҳам ман қилинади. Бундай ҳолларда тана мувозанати бузилиб, семирлиш юз беради. Кўп ҳаракат қиладиган одамларнинг кам овқат истеъмоЛ қилиши организмнинг ишдан чиқилишига олиб келгани қабил, кам ҳаракат қилдиганларнинг кўп овқат ейиши ҳам вужудни қаритади.

Насафий фикрича, «Одамлар қонотининг қаймоғи ва хулосаси ҳамда мавжудот дарахтининг меvasи бўлсалар, қомил инсон одамлар мавжудотининг қаймоғи ва хулосасидир». Яна айтадики, «Худони таниб, дийдо-рига мушарраф бўлган қомил инсон учун халққа наф келтиришдан кўра фойдалирок иш ва яхшироқ тоат йўқдир. Ва унинг учун энг улғу роҳат бирор иш, бирор сўз билан бу дунёда қилишларнинг мушкуллини осон қилиш, одамнинг баҳо-фитналардан сакланишга ёрдам бериш, охирагата эса мағфират топишга қўмақлашишидир... Баркамол инсон халқ орасида ростликни қарор топтириш ва ёмон расму одатларни халқ орасидан кўтариш ва халқ орасига яхши, хайрли қоида-қонуиларни жорий этиш орқали халқни бир-бирига мушфик-муҳрибон қилади, токи одамлар бир-бирларига озор бермасинлар ва бир-бирларини суксинлар. Ва одамларга бир-бирларининг тинчлиги, омонлигини сақлашни буюрсин, токи одамлар ҳам тил билан, ҳам қўл билан бир-бирларини қўлласинлар ва бунга аҳд қилинлар, бу аҳдни бузмасинлар...»

⁹⁴ *Нажмиддин Комиллов*. Қомил инсон – миллат келажакга. – Т.: Ўзбекистон. 2001. 15-б.

Алими Нажмиддин Комиллов баркамол инсон устида теран фикр қилиб, таъкиотлар олиб бориб, қуйидаги хулосага келдилар:

«Баркамол инсон – инсонларнинг энг муқаммали, энг оқили ва энг ошони,
баркамол инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳи нарсабо асрорини олдий одамларга етказувчи улғу қомийдир,
баркамол инсон мартабада Ақли қулл (Ақли аввалга тенг. Оллоҳ билан Ақли қуллни, яъни Қомил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа нафсуқотлар яратилди);

баркамол инсон руҳининг андозаси азалдан маълум, у Тангри таоло яратган энг қудратли руҳдир;

баркамол инсон шу сифатлари билан мутлоқ илоҳий хислатларни қамқилган қайхоний мавжудликдир, агар олдий инсон суратда кўринса ҳам, лекин маънан қонотни қамраб олган ҳаммаша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

Шу мартабада у Оллоҳнинг халифаси бўла олади.

Баркамол инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган муътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида қомолга эришгандир.

Шунинг учун, ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс барқамолликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

Барқамолликнинг олий белгиси ҳақ йўлдан бориб, халққа фойда келтиришидир. Киши нияти, сўзи, амалий ишлари билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тўтти йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча барқамолдир»⁹⁵.

Имоми Аъзам мазҳабидаги шарият аҳллариининг фикри бўйича, инсоннинг қобилияти ва мойиллиги азалдан маълум, яъни Оллоҳ товоло тақдирни азалда, киши ёруғ дунёга келганида нималар қилиши, нималарни сўзлаши, қанча еб-ичиши ва ҳоказо харақатларини аввалдан белгиллаб қўйган.

Аmmo Ҳикмат ва тасаввуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият эринлиги берилган, у харақат қилиб, қомиллик касб этиши мумкин. Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул-Ҳақоийк» номли асрида «*Одиқларнинг қўлири ва фаолияти учун олдиндан белгиланган ўчоқлар йўқ. Билгим ва боқиликка эга бўлган одиқнинг савб-харақатида боқилик, одам қанча қўн гайрат қилса, шунча билгани ва мол-мулкни ортади*»⁹⁶.

⁹⁵ *Нажмиддин Комиллов*. Қомил инсон – миллат келажакга. – Т.: Ўзбекистон. 2001. 10-11-б.

⁹⁶ *Азизиддин Насафий*. Зубдат ул-Ҳақоийк. – Т.: Қамалтақ. 1995. 11-б.

Азизидин Насафий камолотнинг белгиси сифатда икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – Ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб, у одамларни **у-ч тоифага** ажратган. **Биринчиси**, Ҳамида ахлоқий хислатлар билан беэҳтиёт ва ўз-ўзини танимаган одамлар. **Иккинчиси**, Ҳамида ахлоқий хислатлар билан беэҳтиёт, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. **Учинчиси**, Ҳамида ахлоқий сифатлар билан беэҳтиёт ва ўз-ўзини таниган одамлар. Насафийнинг назарида ана шу кейинги – **учинчи тоифа** одамлар баркамол инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши Ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошадир».

Ҳамида (*мақддиган*) иккимой сифатлар нимадан иборат эканини аниқлайдиган бўлсак, **шарнат аҳли** назарида Ҳамида ахлоқ – бу кунда беш вақт намоз ўқиб, хар йили рўза тутган ва бошқа шаръий амалларни бажарадиган мўмин-муслмон одамдир. **Хикмат аҳли** илму донишда етук одамларни баркамол дейдилар. **Тасаввуф аҳли** эса илму дониш, тақво ва солиқлик баробарида яна риёзат билан кўлга қирадиган жуда кўп сифатлар, чунончи, манғилик, нафс ва хирсни тарқ эттиш, ростўйлик, ҳалоллик, собит ва собирлик, Худодан рози-ризо бўлиб яшашни ҳам талаб қилганлар. Шарнат аҳли фақат Пайғамбарни қомил инсон намунаси сифатида кўрсатсалар, тасаввуф аҳли вағйлар ва орифларни ҳам қомиллар каторига қўшадилар. Алишер Навоий «**Насом ул-мухаббат**» асари сўз бошисида баркамол инсон сифатларини махсус санаб ўтади. Чунончи: биринчиси – **тавба**, иккинчиси – **ҳалол** дукма билан қановтланиш, учинчиси – **ўз касбидан топиб кун кўриш**, тўртинчиси – **шариятга риоя қилиш**, бешинчиси – **тариқат одобини сақлаш**, олтинчиси – **барчадан ўзини кам деб билгиш**, ҳагто фарзандлари, хизматқорларига кўполлик қилмаслик, еттинчиси – **чуқук тилли бўлиш**, саккизинчиси – **рахмдиг бўлиш**, тўққизинчиси – **сахни бўлиш**, ўнинчиси – **мард бўлиш**, ўн биринчиси – **ҳалимлик**, ҳушхулук бўлиш, ўн иккинчиси – **ризо-розилик билан кун ўтказиш**, ўн учинчиси – **сабрли бўлиш**, ўн тўртинчиси – **риёзат чекишдан кўркамаслик**, ўн олтинчиси – **хороқуллолда хислатлар кўрсатиш**...

Шу замоннинг мажмулар назариясидан келиб чиқиб, Навоий аниқлаган инсоний сифатларни тартибга келтирадиган бўлсак, улар куйидагича тавсифландилар. Тавба иккимой сифат бўлмай, киши руҳий жараёнини ифода этувчи шахс руҳининг мавдум бир вақт ичидая ҳолатидир. Ҳалол дукма билан қановтланиш хислатини бир сўз билан ҳалоллик, яъни одобнинг бир кўриниши сифатида тавсифланди. Ҳўз касбидан топиб кун кўришни меҳнатсевар деса бўлади. Навоийнинг аниқлаган шариятга риоя қилиш, тариқат одобини сақлаш, барчадан

ўзини кам деб билгиш, кўполлик қилмаслик, чуқук тилли ва юқорида айтилган ҳалол бўлиш каби хислатларни шу кунда бир оғиз сўз билан одобли деган иккимой сифат билан белгиланмоқта. Навоийнинг **рақмдиг бўлиш** деган хислатини инсонпарварлик деса ҳақиқатга яқин бўлади. Саҳий бўлишни шу кунда саховатли, мард бўлишни – жасур амаққамиз. Навоийнинг **ҳалимлик**, **хуш-хулк** ва **ризо-розилик** билан кун ўтказиш деган хислатлари ҳам одоб нормалари ҳисобланиб, одобли деган умумий иккимой сифатга унсур бўлиб қиради. Сабрли дегани сабр-қаноатли бўлиб, риёзат чекишдан кўркамасликни чидамли дегани иккимой сифатлар билан белгиланади. Навоийнинг **хороқуллолда қислатлар кўрсатиш** деганини, табиат ва жамиятдаги янги билимларни аниқлай олиш деб тушунса бўлади, шунда бу хислатни – ақлли ва билимли деган фазилат билан тенглаштирамиз. Бу сифатларни тизимга келтирсак, улар – меҳнатсевар, одобли, инсонпарвар, саховатли, жасур, қисамли, ақлли ва билимли деган саккизта фазилатни ташкил қилади.

Рух тарбияси. Рух тарбияси билан шуғулланмоқчи экансиз, биз ўтган алломагардан ўтиб, сизга бир нарсга дая олмаймиз. Ҳўтган уламою муфтаққирлар эса, **рух тарбияси** учун **яхши фикр**, **яхши сўз** ва **яхши амал** асослади, деганлар.

Яхши фикр деганда, қиладиган барча ниятларни яхшилаш тушунилади. Яхши фикр деганда, хар кунни тонг отмасдан уйқудан уйонтганингиз **нахоти**, **соғ-саломат турганингиз** учун Парвардигорга ўз Миннатдорчилигингизни билдириб, қирноб келадиган янги кунда фақат ва фақат яхши сўзлар сўзлашни ҳамда яхши ишлар қилишни ўзингизга ният қилишиққа айтилади. Тонг отиб кетгунча ёки ундан ҳам дахшатлиси кун чиққунча ухлаганларнинг бажарадиган амалларининг баракаси бўлмай, қилган ишларининг унуми бўлмайди.

Сахар туриб руҳни яхши йўлга солиб олиш учун бомлод намознинг дао этиш яхши самара беради. Намоз ўқитганда ўз тасаввурингиздаги Худони руҳингиз билан астойдил сезиб туриб, ўқитган оятлар мазмунини тушунган холда амалга оширсангиз қиракли натижатга эришасиз. Киши намоз ўқитганда бутун фикри-зиқри билан бутун борлиқни яратган Парвардигорга юзланади ва у билан мулоқотга киришади. Ҳозирги замон қвант назарияси нуқтан назаридан, шу йўл билан киши ўзинга, барча нарсалар ривожининг сабабчиси бўлган мусбат кўрсаткичча эга қувватларни (ижобий нур тўлкинларини) тортиб олар экан. Кунни билан ибодатда бўлиб юрган одам бу қувватларни ўзидан узмай, барча ишлари унгидан келиб, тани сихатлиги яхши, руҳи эса хотиржам бўлиб юради.

Соғлом ва баркамол бўлишиққни ақл қилган одам, барча катори, уни қуршаб турган инсонлардан холи ҳаят кечира олмайди. У тинмай тур-

ли одамлар билан мулоқотга киришишга мажбур. Шунда, унинг эзгу максалдини ҳамма ҳам билвермаслиги, билган тақдирда ҳам тушунаввермаслиги, шунинг учун кўлиаб-куваттамаслиги мумкин. Соғ ва баркамол инсон бўлиш йўлида кетаётган бола буни ҳисобга олган ҳолда, улар билан кераксиз баҳсга киришиб, уларни ўз эътиқодига мойил қилишга интиلمаслиги керак. Чунки бу анча кинин иш бўлиб, давватчидан анча куч, санъат, ирода ва вақтни талаб қилади. Шунинг учун бошқалар билан муомалага киришганда киши шу вазиятларни ҳисобга олиши лозим бўлади.

Рухни тарбиялаш баробарида, уни зарарланшидан, яъни рухни нура-тувчи қувватлардан асраш лозим. Акс ҳолда рух тарбияси йўлида қилган барча савб-ҳаракатларнинг эос кетади. Рухни зарарлантирувчи кучлардан асрашнинг йўлларида бири, харом ишларни, яъни гуноҳ ишларни амалга ошириш у ёқда турсин, уларни бажарувчи кишилардан, сергуноҳ жойлардан, шубҳали хулдулардан ўзини четда олиб юришлиқидир. «Кимнинг аравасига тушсанг, шунинг ашуласини айтасан», «Козонга яқинлашсанг кораси юкади, ёмонга яқинлашсанг баглоси юкади», «Ас суҳбат у маъсулим» ва ҳоказо мақоллар айтган сўзимизнинг далилидир. Таъкиқотларимиз шунга кўрсатдики, жуда кўп тақводдор одамлар кўнгил ва иродаси бўшлик қилиб, танлаган йўлида тургув бўлмай, ҳамсуҳбатга ёки ҳамроҳининг юзидан ўтолмай гуноҳ ишлар қилиб кўйр эканлар. Билгинг, «У дунёда эчки ҳам, кўй ҳам ўз оёғидан осилади», деган мақол мавжуд. Умр тақозоси билан кириб қолган улфатингиз ёки меҳнат жамоангизни етовитга қормай, уларни ўз етовингизга қорғавинг ёки узрингизни айтиб кўлверинг. Ахир сиз соғлиқ ва баркамоллик томон кетаётган одамсиз, йўлингизда собит туршингиз шарт.

Яқин суъ деганда, бола ўз инсонийлигини намоен қилиш максалиди бошқалар билан мулоқотга киришаркан, уни факат ва факат чиройли, асабини бузмайдиган, ёлгонни аралаштирмаган ҳолда, ширин суъ ва очик чеҳра билан амалга оширишга айтилади. Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чикади. Шунинг учун ўзингиздан кичик бўлса ҳам, уни сизсифрасангиз сиз томон газаб келатган бўлса ҳам, шахидан кайтади. Ширин сўзингиз билан сиз уни қуролсизлантиртган бўласиз. Ёмон, ёлгон ва кўпол сўзлар эса, муулмонни ҳам имондан чикаради. Сизга яқини муносабатда бўлиб турган одам ҳам, сизга қарши бўлиб қолади. Бу эса, ишингизнинг ривожига ва руҳингизнинг хотиржамлигига путур етказадди. Шайтон сизни тинмай тўғри йўлдан уриб — суъ уни, ур уни, ўтгирла буни ким биллиб ўтирибди, деб турган бўлса ҳам, шайтонга хайр бериб, уни дартоҳингиздан хайданг ва доимо одамларга яқини сўзлар билан муносабатда бўлинг. Шунда кўзлаган эзгу максалдингиз — соғлиқ ва баркамолликка албатта эришасиз.

Яқини амал деб қилалитган барча ҳаракатларингиздан ё ўзингизга, ёки бировларга наф тегалитган бўлишликка айтилади. Бемақсад ёки ўзингизга ва бошқаларга зарар тегалитган амаллар қилиш, ақли расо инсоннинг ҳаракати бўлмай, гуноҳ категориясига кирувчи амаллардир. Буқдай ҳаракатлар киши руҳини заифлаштириб, хотиржамлигини бузди. Эгри юргандан тўғри юришлик минг марта афзал бўлиб, факат руҳингизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, холос. Маъқул ишлар инсонгиз ҳам кунингиз ўтади, номаъқул ишлар қилсангиз ҳам. Номаъқул иш қилгандан маъқул иш қилган афзал бўлгани туфайли, яқини ишлар қиливеринг, эиён кўрмайсиз, руҳингиз озукча олиб бақувватлашадди. Рухи бақувват одамнинг барча ишлари қоритиб, тани сиҳатлигига яқини таъсир этиб, эл-норт ичиди обрўйи юкори бўлади.

Билгингки, ёмон фикр, ёмон суъ ва номаъқул ҳаракатлар киши руҳини нурагитобгина қолмай, соғлом ва баркамол бўлишлик йўлини беркитадди. Ўзингизга соғлом ва баркамол инсон бўлишликки мақсад қилиб олган экансиз, ёмон ният қилишини, ёмон сўзлар сўзлашини ва ёмон ишлар қилишини тарқ этинг. Бир томондан, тавба-газарру қилиб, қомилликка инсонисангиз, иккинчи томондан, ёмон фикрларни ўйлаш, ёмон сўзларни сўзлаш ва ноқўя ишлар қилишини давом эттираверсангиз, қилган яқини ингитларингиз ва барча эзгу максалдингиз чиптаққа чиқиб, баркамоллик томон сиқжамай, ижтимоий ривожингиз бир жойда дебсиниб тураверадди.

Ақл тарбиясига биринчи навбатда мустақил фикрларини ўрганлиш қиради. Мустақил фикр қоритиш деганда, чуқур тафаккур қоритиб, ҳар бир вазиятни тасаввур қила олишини тушуномок керак. Бундоқ қираганда ҳамма ҳам ўзинча тафаккур қоритади. Аммо, одамнинг бошқа махлуқотлардан фарқи тафаккурида эмас, тасаввур қила олишидадир. Кўчлиқ, олиё неъмаат ҳисобланган теран фикр қоритишини ва тасаввурни ишта солишини мустақил амалга оширмай, биронинг фикрига эргалиб, қулдалик ишларини пассив тафаккурини ишта солиб бажариб қораверади. Бу ҳол кишини баркамолликка олиб қормай, тоҳо ноўғри йўлларга ҳам олиб кириши мумкин. Чунки бу билгиларни у мустақил равишда ва тушуниб туриб топмай, бировлар аниқлаган тайёр билгиларни пассив тафаккур ёрдамида, асосан эслаб қоллиш йўли билан эгалланган. Хушёр бўлинг, заминда ёвуз ният ётган ҳар қандай фикрни ҳам чиройли гаплар билан ўраб, мангитқан бир-бирига боғлаб туриб, илмий асослаб берилиши мумкин. Шунинг учун, ҳар қандай янги эшитилган фикр танқид остига олингани яқини. Бунинг учун эса, қишида мустақил фикр қоритиш ва тасаввур қилиш қобилияти бўлиши керак.

Ақли деган номга эга бўлиш учун киши, албатта ҳар бир нарсанинг маъмунига ўзи мустақил равишда этиб қоритиш лозим бўлади. Бунинг учун

устоз муаллим, китоб-журналлар ва бошқа адабиётлар билан мулоқотга киришганда, улардаги фикрларга ишонган ҳолда, албатта ўзининг танқиди кўрилган ўтказиши лозим. Китоб, ойнома, ҳафтанома ва бошқа ёзма манбаларни ўқиганда ёки устозларнинг сўзларини тинглаганда, улардаги фикрлар ва таъбириётган сўзларнинг тўғрилигига шубҳаланмай, ундаги фикрларни текшириб кўришга эринамаслик керак.

Дингидан эшитган фикрларни текширишнинг йўллари кўп бўлиб, улардан энг осони ва тез амалга ошадигани, қандайдир янги бир фикрни эшитганингизда ёки уни бир жойдан ўқиб билганингизда, уни албатта бошқа одамдан, яхшироғи бир неча одамлардан сўраб-суриштириб, тўғри эканини аниқлаб олиш ёки яна бошқа китоблардан ўқиб, тўғрилигига ямон ҳосил қилишликдир. Шунда янглиш йўлга кириб кетишдан ҳимояланасиз, баркамоллик томон кетаётгандаги вақтингиз билан кўчингиз тежалади.

Бир қарра эшитган ёки бир жойдан ўқиб олган фикрларга ақида сифатида ёпишиб олишлик ақлли кишининг иши бўлмай, бировнинг ётовига юрадиган оми одамнинг қилган қилмишидир.

Ўқиган ва эшитган гапларни тасдиқлаб олишликнинг энг самарали йўли – бу янги фикрни амалиётда синаб кўришликдир. Синоядан ўтмаган фикр янглиш бўлиб, сизни баркамоллик томон кетаётган йўлингизда тўсик бўлади. Муайян бир фикрни синоядан ўтказётганингизда, уни бир неча бор шу илм-фан соҳасидаги барча билимларга тўлиқ амал қилган ҳолда ва унинг ҳамма шароитларини яратиб туриб ижро қилишингиз шарт. Акс ҳолда тўғри фикрни ҳам нотўғрига чиқариб қўйишингиз мумкин.

Ақл тарбиясининг йўлларидан яна бири, адабиёт билан ишлаш. Адабиётлар билан ишлаганда интенсивлик қонунига амал қилишлик зарур. Интенсивлик қонунинда, «ўқиб жараёни қанчалик тез кечса, билимқўн бўлаётган нарсангизни шунчалик тез ўзлаштириб олиб, у хотиралингизда шунчалик чуқур ўрин олади», дейилади.

Ақлий тарбияни амалга ошираётганда мунтазамлик, оқиллик ва фаоллик, тизимлик ва изчиллик каби дидактика тамойилларига ҳам риоя қилинади.

Ақлий тарбиянинг тўғри ёки нотўғри кетаётганини текшириб кўришликнинг асосий йўли, тафаккурингиз ёрдамида аниқлаб етган фикрларни тасаввурингиз ёрдамида текшириб кўриш. Бошқача қилиб айтганда, зоҳирдан аниқлаган билимларни ботиний билимингизга таққослаб, уни тасаввур кўригидан ўтказинг ва шундан кейин уни амалиётда синаб кўринг.

Ақл тарбиясига яна тақрорлаш, машқ, эслаш, сизга маълум бўлган билимларни иккинчи сигнал системаси ҳисобланган сўзга айлантириб бошқаларга айтиб бериш, амалиётда ишлатиш каби ақлий ва жисмоний амаллар қиради.

Вужуд тарбияси. Инсоннинг жисмоний моҳиятини шайтон эғллаб олгани билан, киши вужудда руҳ билан ақл ҳам кўним тошган. Шунинг учун вужуд тарбияси киши қамолотида етакчи ролини ўйнайди («*соғлом инсонда соғлом фикр*» *деган халқ мисолини эсланг*), ammo, вужуд тарбиясини бошламасдан олдин, руҳ билан ақл тарбияланиб тартибга келтирилган бўлиши шарт. Шунда вужуд тарбиясида шайтоннинг роли пасайиб, унинг тақомили тез ва самарали амалга ошди.

Вужуд тарбиясининг ажралмас қисмларига – инсон вужудининг ички ва ташқарисининг санитария ҳолати, маълум бир вақтда ётмоқ турмоқлиги, овқатланиш олоби, баданнинг жисмоний тарбияси ва танқис муҳит билан бўлган муносабатлари қиради. Уларнинг ҳаммасини бирдай олиб бориш шарт. Бири тарбияланиб, бошқасига аҳамият берилмасда, вужуднинг ривожланмаган унсурлари ривожланганини орқата тортиб, муайян бир йўналлишда қилган ҳаракатларингиз зое кетади.

Вужуд ичининг тозаллиги, унга киритилган озиқ-овқатнинг тури, сифати ва вақтига боғлиқликдир. Китоимизнинг юқоридаги саҳифаларида қайд қилинганидек, овқатни мижозингизга қараб истеъмол қилган яхши. Мижозингиз совуқ бўлса иссиқ мижозли овқат ва аксинча, иссиқ бўлса совуқроқ мижозли овқат тановул қилсангиз тўғри бўлади. Ҳар қандай овқатни фақат ва фақат кам микдорда ва аралаштирмасдан истеъмол қилинганда овқат тез хазм бўлади. Овқатни фақат янғисини, тозасини ва зарарланмаган маҳсулотлардан тайёрланганини истеъмол қилиш лозим. Туриб қолган овқатни ёки носоғ маҳсулотдан тайёрланган овқатни оч қолсангиз ҳам еманг. Чунки бундай овқатлар саломатлигингизга ёмон таъсир этиб, тохо ҳаётингизни хавф остига қўйиши ҳам мумкин, шунинг учун уни етандан еманг арфал. Киши бир-икки кун соғлиғига зарар бўлмаган ҳолда, бемалол овқат емай юраверадди. Аксинча, бир-икки кун оч қолиб турса, соғлиғи яхшиланади. «Бўш қоп тик турмайди», деган микол вужуд тарбиясида ишламайди.

Сахарда уйқудан уйғониб, ўрнингиздан туриб юз-кўлингизни ювгандан кейин, бир қоса қайноқ сувни майда хўпламлар билан ичиб олинг. Бу муложа бутун ычак-чавакларингизни ювиб, тузларни эритиб кетиши баробарида, чанқаб турган вужудингизни сув билан таъминлайди. Бирок бу мулоажани бажарётганда ҳамма ёғи берк хонада амалга оширилгани шарт, акс ҳолда шамоллаб қолиш хавфи бор.

Эрталабки ва кечки овқатни енгил овқатлар ейиш билан кифойла-ниш керак. Қувватли овқатларни асосан тушда истеъмол қилиш лозим. Овқат истеъмол қиллаётганда ва ундан кейин, бир соатлар чамаси оғлиқда, ҳеч қандай сувоқлик истеъмол қилинмайди. Чунки овқатни қам қилувчи ферментлар сувоқлик билан қўшилиб қучини йўқотгани ва етган овқатингиз хазм бўлмайди.

Овқат турларига келганда, кўпроқ мева ва сабзавотларни истеъмол қилган яхши. Шоглом билан турп кишига кучли қувват берибгина қолма-даволовчи хусусиятлари ҳам бор. Бу сабзавотларни доимо еб юрган одам ҳеч қандай касалликларга дучор бўлмайди, ичи эса тоза юради. Тўшқин айниқса ётлик овқатлар киши саломатлигига қони зарар. Ундан ташқари қушхонада ёки билиб-билимай сўйилган хайвон гўштининг тарқибини кўрқув ферментлари тўпланган бўлиб, уни истеъмол қилган кишини боғсаб кўрқув боғсади. Бу эса, киши имонини заифлаштириб, ўзини бахтов хис қилишига сабаб бўлади. Гўшт эмасам мадорим кურიб қолади, деган гапшар аслида нотўғри. Албатта доимо кўп гўшт ва ётлик овқатлар истеъмол қилиб юрган бўлсангиз вужудингиз шунга ўрганиб қолган бўлиб ва смай кўйсангиз вужуд талаб қилиб, безовталанишингизга ҳамда ҳолиезланишингизга сабаб бўлади. Қам ва асосан ўсимликлардан бўлган овқат еб вужудингизни шунга ўргатсангиз, вужуд керакли нарсаларни юлардан олишга ўрганади ва ўзингизни жуда ҳам енгил ва соғлом ҳис қиласиз. Шу баробарида, ҳеч қачон кўп овқат ейишни машқ қилманг.

Овқат еганда ва ундан кейин бир соатлар мобайнида сувоқлик ичмасангиз ҳам, ундан кейин кўп сувоқлик истеъмол қилишликнинг зарари йўқ. Айниқса, иссиқ минтақаларда таналаги сув тез бутганиб чиқиб кетибди меваларнинг шарбатидир. Мева шарбатини қайнатиб совутилган сувга аралаштирилса, Алишер Навоий ичадиган гулоб бўлади. Гулоб чанқовни яхши босадиган ичимликдир.

Вужуд ичининг тозаллигига унинг парвардишига ҳам боғлиқ. Абу Али ибн Сино «Харфий ҳаммом ва ойда бир маротаба сурти ичган одам менинг ёрдамимга мухтож бўлмайди», деган гапнинг матэзини чаканг. Ҳаммомга тушганда ҳам терлагандиганига тушиш керакли натижани беради. Чунки киши терлаганда хужайралардаги ва тери катакларидати турли тузлар ва тақинлар эриб ҳаракатга келади ва танадан чиқиб кетади. Ойда бир маротаба ични суриб туриш ҳам тананинг ички тозаллигига ижобий таъсир этади. Ични сурганда ичгичка ичак қабатларида туриб қолган ва эскириб бўзилга бошлаган овқатлар, шунингдек, ширимшиклар чиқиб кетади.

Йилда икки, қамйда бир маротаба хукна (*қизил*) орқали йўтон ичакни ҳам чайиб туриш лозим. Бу муолажа куйилдиғича амалга оширилади. Баҳор ва куз фаслларининг ўртадаги ойида, яъни апрель ва октябр ойларининг (камарий тақвим бўйича) иккинчи хафтасининг охирига икки кунни қолғани (*бу айрелинг 10-йарига, октябрнинг 11-йарига тўғри келади*), ўзингиздан ва боғаларингиздан чиккан 4 литр пешобни 1 литри қолгунча қайнатиб кўясиз, ундан ташқари 1 литр қайнатилмаган пешобни тайёрлаб кўясиз. Шундан кейин эрталабки ва тушқи овқатланишда гўштенг овқат истеъмол

қилмай, кечқурун, тушдан кейин овқат емаган ҳолатда, қайнатилмаган пешоб билан кўчи қиласиз. Ичингиз тозаланигандан кейин, қайнатилган пешобни 100 грамм билан яна хукна қиласиз. Хукна қилганда ичингизга қайтариблан пешобни бир оз ичингизда туриши шарт. Шундан сўнг 100 грамм қайнатилган пешобни бутун баданингизга, бошингиздан тортиб кетилсин, сурқиб чиқасиз ва тананингизга синггунча ишқалайсиз, кетилсин ва ичкунчи динида ётиб ёки бўлмаса душда ювиниб чиқиб, ўрнида қайтиб ётиб. Эртасига шу муолажа қайтарилди, фақат қайнатилган пешобни 300 грамм, учинчи кунни 300 грамм, тўртинчи кунни 400 ва бешинчи кунни 500 граммга етказасиз, олтинчи кунни қайнатилган пешобни қайтариб 400 граммга туширасиз, шу йўл билан қайнатилган пешобни қайтариб бориб, тўққизинчи кунни яна 100 граммга келтирасиз. Қолган овқатлар аввалгидек қайтарилмаверади. Учинчи кунни буйи овқат еган, озоқдан сув ичиб туришингиз мумкин, кеч соат бешдан кейин, бир соатдан 300 грамм зайтун мойини иккинчи стаканга 200 грамм сижиб олгани билан сувини кўясиз ва қаттарок идишдати (*қилб туршиш учун*) иллик сувга солиб қўясиз. Ҳингиз ўрнига ётиб, иссиқ сув солинган трелка ёки қайноқини биқилишигизга кўясиз ва стаканлардаги мой ва лимон сувини 1 соат мобайнида, озоқдан навобатма-навобат хўшпаб, ичиб тутатасиз ва бир ва туриб уқуқта кетасиз. Етганда хушёр бўлиб ётибг, чунки кечаси соат 4 орта бориб ичингизни суреди. Шу йўл билан сиз жигар, буйрак, ўт тузи ва уларни бирлаштириб турувчи йўллари хар турли тикни ва майда қиллардан тозалайсиз. Вужудингиз керакқиз нарсалар билан ўта тулиб кетган бўлиб, бу муолажа бир оз оғрик пайдо қилиши мумкин. Қўрқманг, қайси керакқиз нарсалар чиқиб кетмоқда. Шу усуллар билан вужудингиз ички тозаланиди.

Вужудингиз ташқи санитария ҳолатини яхшилаш яшаб турган ҳолатининг тозаллигидан бошланади. Яшаб турган уйингизнинг ичи ва қовчи қойиларингиз барча санитария қоидаларига жавоб бериши шарт. Аю қолди танга тозаллигидан гап очининг фойдаси ҳам йўқ. «Олгоҳ по-челову», покниза қилишларни севадур, эликларингизнинг олдини тоза қилишлар» деган ҳадисни унутманг. Уйнинг ичи қуяда ёки кун ора тоза қилиб сўлуришиб, барча чанглар артиб турилади. Ховли эса, кунда сулурилади. Ҳеч қачон ва ҳеч бир вазиятда ювилмаган идиш-товоқ турмаслиги керак. Икки ҳафтада бир маротаба уй ичини исирик тутатиб, дезинфекция қилиш ички бўлади. Чесақда ахлат ҳеч бир вазиятга тулиб турмасин. Уй ва қовчи-жой тозаллиги биринчи навобатга руҳингизга ижобий таъсир қилганда. Иккинчидан, уйингиздан инфекция касалликларини қувалди. Учинчидан, эл-юрт ичида обдўйингиз юқори бўлади. Уй-жойини тоза қилишдангизларни одамлар жуда хурматлайдишар. Буларнинг ҳаммаси

бирлашиб, умумий кайфиятингиз, соғлиқ ва баркамолликка қараб кетган йўлингизга кўк чирок ёкиб берали.

Вужуднинг ташқи санитария ҳолатига кийтан кийимингизнинг тозалиги қатта таъсир кўрсатади. Қиммат бўлмайд эскирок бўлса ҳамки, кийимингиз тоза бўлиши шарт. Ички кийимни икки кунда узоқти билан уч кунда бир алмаштириш лозим.

Сочиклар беш хил бўлиши шарт — бири юз сочик, иккинчиси кул сочик, учинчиси овраг сочиги, тўртинчиси оёқ сурталдиган сочик ва бешинчиси ҳаммомдан чиқиб артинладиган қатта сочик бўлади. Ҳарини-қурини тутиш қолдасида, албатта кўрпага жидд қийдирилиб, остига чойшайб бўлиш лозим. Булар қамида ўн беш кунда алмаштирилиб турилади.

Вужуднинг ташқи санитария ҳолатига сўзсиз баданнинг тозаланиши керак. Бунинг учун ҳафтада ҳаммомга тушиб, терлаб туриб, тозаланиши керак. Шароит бўлса, кунда бағамом бошдан-оёқ чайиниб ювиниши лозим. Шароит бўлмаса, бўйин аралаш, кўлтиқлар ости билан белгача, овраг ва оёқларни тозалаб совун билан ювилиши шарт. Балғотат ёшига етган бўлсангиз, ҳеч бир вазиятда таҳоратсиз юрманг. Таҳорат билан юришнинг фойда ва хосияти жуда қатта. Авваламбор, руҳингиз тетик бўлганда, иккинчидан, таҳорат вужудингизнинг санитария ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва энг асосийси, бу йўл билан сиз ўзингизга муқобил кўрсаткичга эга қувватларни чақирган бўласиз. Яхши билиб олганингиз ифлос ва чирк жойларда ҳамда нопок тананда тирик организмга зарарини кўрган манфий энергия тўпланади.

Ушбу амалларни бажарсангиз, танангиз тоза, руҳингиз тетик, тинчлигингиз чаккон бўлиб, ишингиз оғна юради ва кишининг ҳаёт йўлида (*инсоний равишда*) учрайдиган ҳар қандай муаммоларни енгиб кетасиз.

Ўтмоқ-турмоқ одоби. Киши вужудининг саломатлиги унинг ёттиб туриши одобига ҳам узвий боғлиқ. Уйкуга ётиш ва туриш вақтининг юз яхшиси эрта ётиб, эрта туриши одобидир. Тонг отмасдан уйкудан турганинг хосиятини юқоридаги фаслларда айтиб ўтган эдик. Тонг ёрилиши билан Ер қурраси бўйлаб прана (ҳаёт қуввати) тарқалар экан, ўша вақтда киши вертикал ҳолатда, яъни оёқда тик турган бўлса, бу ҳаёт қувватининг ўзига йиғиб олади ва кун билан тетик юради. Ухлаш вақти кўп ҳам, кун ҳам бўлмаслиги керак. Вояга етган ва соғлом одам учун 7—8 соат ухлаш кифой қилади. Ёш болалар ва ёши ўттиб қолганлар учун бу муддат 9—10 соатгача чўзиллиши мумкин. Ётганда ўнг томон билан ётиб, тун ярминча оғтандан кейин чап томонга ўтқилиб ётган тўғри ҳисобланади. Ётиш билан овқат ёки кўп сувоқлик истезъомол қилинмаслиги керак. Ётишдан вақтда икки соат, яхшиси 3—4 соат олдин овқат истезъомол қилинганга тўғри бўлади. Ётишдан олдин хожатхонага бориб бўшаниб, таҳорат қилиб, фанга

қилинганлардан фикр юрғитиб, яхши ниятлар қилиб ётиш руҳингизнинг тоза бўлишига, сизнинг эса яхши дам олишингизга хизмат қилади.

Ўвқатларнинг одоби. Ўвқатларнинг маънавияти аввалги сатрларда ҳам ётади. Ўвқатларнинг одоби. Ўвқатларнинг маънавияти (*билими*) анча мураккаб бўлиб, унинг учун махсус китоблар ёзилган. Бу ерда биз фақат баъзи бир одобий тоғонлар бериб ўтганмиз, ҳолоқ.

Ўвқатларнинг биринчи қоида — овқатни маълум бир вақтда истеъмоли кишини тартибга (*режим саклаш*) амал қилиш. Вужуд маълум бир вақтда овқатни қабул қилишга ўрганиб, уни кутиб туради ва вужуднинг бу вақтда билан уни тез ҳазм қилиб ташлайди. Вақтда овқат тушмай ёки вақтдан кечиб ўтувчи вужуддан ажраган ферментлар ичак-чавақларни тинчлатиб ва турли ичак ва ошқозон касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ошқозонга бевақт тушган овқат ҳам ҳазм бўлмай, вужудда қориннинг пайдо қилади.

Иккинчи қоида — овқатларни илгожи борида оз миқдорда ва арабистондан истеъмоли киши лозим. Бавзлар паловни ҳам нон билан ёки, бу ўта нотўғри. Кучок овқат еганда илгожи борида нон истеъмоли қилинмаслиқ даркор, сувоқ овқатлар бундан мустасно бўлиши мумкин. Кун одам овқатни нон билан эмасам тўймайди, деган вақтда дарров тўқилгани хис қилмайсиз, у биров турли хазм бўлиб, вужудни инмилиши керак бўлади, шундагина тўйинганлик хисси пайдо бўлади. Ҳеч қачон овқатни бўқиб еманг, бу қони зарар. Абу Алли нон Синюнинг «Меърида ейилган овқатни сиз ейсиз, меъеридан ортқик истеъмоли кишини овқат сизни ейди», деган сўзини унутмаслигингиз лозим. Умуман олганда, соғлиқ ва баркамолликни ўзига мақсад қилиб олган нафс биланнинг ситган бўлиши керак.

Учинчи қоида — овқатни жуда яхшилаб чайнаш зарур, шундагина овқат яхши ҳазм бўлиб, танага тўлиқ шимилтади. Шошиб-тишиб чала қилинган ёки чайналмай ютилган овқат ҳазм бўлмай, тўғри йўтон ичакка бориб тушади ва чиқиб кетмай тураверади. Бундай овқатнинг фойдасини кўра зарари жуда кўп. Чунки инсон вужудининг хусусияти шундайки, танни бўлиб шимилтиб ултурмаган овқатни вужуд чикариб ташламай, йўтон билан қилганларда саклайди. Йўтон ичак қатламларида турли қолган овқат вақт ўтиши билан чирий бошлайди ва унга тушиб ҳазм бўлиб ултурулиши билан овқат билан қўшилиши вужудга шимилтади. Натيجада вужуд секин-аста захарлана боради. Шунинг учун ҳам олти ойда бир йўтон овқатни тозалаш зарурлиги мавжуд.

Тўртинчи қоида, овқатланганда сўзлашиб, айниқса ёмон фикрлар юрғитиш ва бемаъни гаплар гапириш ман қилинади. Овқатланиш

жараёнида кишининг бутун фикр-зикри овекатда бўлмоғи лозим. Шунда овекатнинг мазасига ҳам тушуниб етасиз, овекат ҳам яхши чақилган ва керакли хазм қилувчи ферментлар билан ўралиб, ошқозонга тушиб Сўзлашиб овекат истеъмог қилинганда, хазм бўлиш жараёни бузилишидан ташқари, овекатнинг майда қисмлари қизилгўнгач қолиб, ўпкага кетиб қолганининг хавфи бор. Бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Ўпкага кетиб қолган бетона нарсани фақат жаррохлик йўли билан олиш мумкин. Авходда у секин-аста чириб, ўпкани ҳам нобуд қилади.

Бешикчи қондаси. Ҳар бир инсон ичига тушган овекатни, яъни истеъмог қилган овекатини то чиқиб кетгунча назорат қилиши шарт. Одамнинг ичига овекат туриб қолмаслиги керак. Уни жисмоний машқлар қилибми, мавлуд бир вақт ўтандан кейин устидан мева-чева ёки сабзавот овекатини хайдаш йўли биланми овекатнинг ичкараги юракдан йўлини бузатиб бориши шарт.

Аваллари мижоз тўғрисида ва овекатлашниш бўйича бошқа айтилган сўзларга хозир қайд қилиб ўтилган беш қондасга рив қилишнинг овекатлашниш одобига эга бўлган бўласиз.

Жисмоний тарбия маънавияти. Вужуднинг жисмоний тарбияси тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин, бу соҳада махсус адабиётлар ҳақда энгд кўп. Биз бу ерда фақат жисмоний тарбиянинг методологик асосларини, яъни асосий тамойилларини қайд қилиб ўтамиз, ҳоло.

Жисмоний тарбиянинг биринчи тамойили — бу жисмоний машқларни бажарганда жуда ҳам секин амалга оширишликдир. Жисмоний машқларни қанча тез ва тўғри туриб бажарсанг, шунча яхши дегани гапшар хозирги кунда қолиб кетган. Жисмоний машқни ниҳоятда мумкин бўлган даражада секин бажариб туриб, тез-тез бажарган машқлар билан етган натижага эришса бўлади. Фарқи шундаки, секин амалга оширилган машқлар юракка ҳеч қандай оғирлик туширмайди ва кучингиз саклини қолдири. Машқларни тез бажарганда анча қувватингиз сарф бўлиб, юракка оғирлик тушади, юрак секин-аста чарчай бошлаб, инсоннинг умри қисқаради. Секин бажарилган машқлар жуда кўпин бўлиб, одамдан кўпга иродани таллаб қилади. Уни тўғри бажарганда, у танадан тер чиқариб қолмайди, аммо юракка ҳеч қандай оғирлик туширмайди. Мисол тариқасида бир-икки машқларни бажариш йўллариини сўз билан ифодалаб берин. Ости текис бўлган жойга чалқанчасига ётасиз ва оёқларингизни навбатта навбат сўнг иккаласини коринга иложи борица секингина билан тортиш. Шунда оёқни чўзганда нафас олинми, оёқларни корин томон тортаётгани нафас чиқарилади. Бу машқ қанда 20 маротаба қайтарилгани шарт. Иккинчи машқ — оёқлар учини айри, товонларини эса бирлаштириб тургани турган ҳолатда бошингизни мумкин бўлган даражада секин, иминин

билан бирон нарсани қўзатиб бораётганга ўхшаб, у ёк-бу ёкка бўрасиз. Бошининг бир томонга бурганда нафас олиб, қайтарётганингизда нафас чиқарасиз. Бу машқни аввал 20–30 маротаба, кейин 100 маротабага қайтарилгани, бутун вужудингиз қизиб, оёқингиздан гўбор чиқаяётганини билдириши шарт. Бу жуда самарали машқлардан бўлиб, кишининг бутун вужудини қувватланишига олиб кетади. Натияжада вужуд ичига кераксиз нарсаларни, хаво билан ўпкадаги чиқинди моддаларни чиқариб юборишга қодир қилади. Киши вужудининг ички санитария ҳолатига ҳам бу машқ қодир. Амаллави, илдам бажарилган машқлар билан бундай самарали диниш учун жуда кўп куч талаб қилинар эди. Бошқа бир машқни қўзатиб бўласиз — турган ҳолатда, бошингизни тик ушлаб туриб, ниҳоятда секинлик билан илгингизни кўтарасиз, шу пайтда нафас оласиз ва секин-секин икки пастга — кўкракка қадап туширасиз, нафасни чиқарасиз. Бу машқни ҳам 100 маротабага етказсангиз, 5–6 километр масофата чоғини боришликнинг самарасини беради. Яна бир машқни олсак — оёқларни қўзатиб, секинлик билан оёқ учига кўтариласиз ва шундай секинлик билан маротабага қайтасиз. Бу машқни ҳам 20–30 маротабадан бошлаб 100 маротабага чиқарсангиз керакли самара беради. Бундай машқлар кўп, қарини махсус адабиётлардан қилдириб топиб ўрганинг. Унутманг, соғлиқ ва берамолликка интирилган одамнинг биринчи вазифаси кўп китоб ўқиш ва кўп билми эътилош ҳамда уларни амалга ўтара кўллаш йўли билан иккинчи моҳиятнинг ошириб боришликдир.

Иккинчи тамойили — нафасни тўғри олишликдир. Сахар туриб биринчи қилилган илгингиз, тоза хавога чиқиб, бунинг иложи бўлмаса илгини деразаларини очиб кўйиб юра бошлайсиз. Мақсад баданни қиздириб, вужудингизга нафас олишни ўргатиш. Бунинг учун уч ёки тўрт қадмда (*бу сизнинг ўқингизнинг ҳажмига боғлиқ*) бурун орқали нафасни илгингизга тортасиз, кейинги уч-тўрт қадмда нафасни оғиздан чиқарасиз. Нафасни тортганда, корин билан нафас олишга эътибор берин. Нафас олганингизда кўкракнингиз кўтарилмасин, бу жуда муҳим. Нафасни чиқарётганингизда корингизни ичга тортиб, иложи борица оёқга умуртқанингизга ёпиштиришга ҳаракат қилинг. Бу тўғри нафас олиш амалиёлиги, бу машқни эрталаб 15–20 минут давомда бажариш шарт. Кўпин бўли иложи бўлса ҳар бир соатда, илож бўлмаса имконият пайдо бўлганда 5 дақиқа мобайнида бу машқларни қайтариб турилса, яхши натижа беради. Нафасни тортганда ва чиқарганда овоз чиқмайдиغان даражада секинлик билан амалга ошириш лозим. Ҳар бир машқни бажарганда, юрганга ва бошқа ҳолатларда бу қондасга рив қилиниши шарт. Мумкин, ҳеч қачон нафасни кўп ушлаб турмаслик керак, бу ўта зарарли бўлиб, ўпкани ишдан чиқаради.

Учинчи тамойини — машкларни бажариш тартиби. Эрта билан етил машклар бажарилиб, кечкурунча яқин, уйхўта кетишдан уч-тўрт соат олдин, оғир машклар бажарилиши тўғри бўлади. Оғир машкларга мувофиқ дари чиниктирадиган ва кўп куч талаб қиладиган машклар киратилади югуриш, тош кўтариш, аркон тортиш ва бошқа физкультура сирасидари ёрдамда бажариладиган кўп куч талаб қиладиган машклардир. Худудан вужудингизни қиздириб олишнинг шарт. Уларга тез юриш, югуриш ва бошқа жисмоний машклар киратилади.

Ундан ташқари, машкларни бажариб бўлгандан кейин, албатта инсон суви билан чайнинг олинг. Имкониятнингиз бўлса, очик суви хавзасида сувида чўмилиб олинг. Шунда бардам бўлиб, руҳингиз билан вужудингиз янги йўлингиз равон бўлади ва барча қиладиган ишларингиз ривож топади.

Ташқи муҳит билан муносабат. Инсон тараккиёти учун ташқи муҳит бўлиб ҳам табиий, ҳам ижтимоий муҳит хизмат қилади. Чунки инсон буюми муҳитда ҳам ривожланади ва камолга етади.

Ташқи табиий муҳит деганда, бизни ўраб турган ҳаво, суви ҳаво, табиий табиий унсурлар баробарида инсон бунёд этган маданий боғлар, экин майдонлари, шаҳарлар ва иншоотлар тушунилади.

Ҳозирги вақтда она-табиат ҳамда унинг унсурларининг табиий ҳолати ўзгариб, одамнинг ҳаётида сунъий табиий муҳитнинг роли ортиб бормоқда. Шу билан баробар, жойларда ҳўжасизларча иш юриши, яъни саннат ва кишлоқ ҳўжаллиги ишлаб чиқаришдан ҳонор бўлган чиқиндилар, транспорт воситаларининг атроф-муҳитга етган зарари туфайли табиий ҳолат бузилмоқда. Ташқи табиий муҳит одамнинг биологик ривожига таъсир этиб, табиий муҳитнинг санитария ҳолати киши жисмоний саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиб Тоза, турли-туман кераксиз ва захарли моддалардан ҳоли бўлган табиий муҳитда инсон соғлом ривожланади. Аксинча, ифлосланган ва захарланган муҳитда киши саломатлиги ёмонлашиб, хасталанди ва биологик ривожини инкирозга учирайди.

Айтишлардан келиб чиқиб, вужуд тарбиясига тоза табиий муҳит ижобий таъсир ўтказиб, десак мувофиқ қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳавода ва чиройли табиат гушларидида ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Тоза ва гўзал манзарали она табиатга ҳар доим ҳам борилишниг иложи

ишда, яшаб турган жойини шу ҳолатга келтириб қўйиши мумкин. Экин у қовил жойда яшётган бўлса, ҳовлини тоза тутиш, турли-туман гушларни экиш, ҳаммаёқни саранжом-сарипшта қилиб қўйиш билан бунга ришда бўлади. Кўп қаватли иморатда яшайдиган одам ҳам, уйларида ҳонор гушларни экиб, чиройли табиий манзараларни яратиб қўйиши қийин.

Инсон, табиий муҳит билан бир каторда, ижтимоий муҳитда ҳам тараккиёти етади, деб бир неча марта айтилди. Ўзбекистон шароитида табиий муҳит бузилиши баробарида ижтимоий муҳит ҳам айниб бо-ришнингизни кузатишга бўлади. Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири, табиий муҳитдан ортик вақт давомда жамиятимизнинг зўрма-зўраки бузирилишидандир. Ўша кезде мафкурага бўйсундирилган ташлим тартиб, неча минг йиллик тарихга эга бўлган халқимизнинг маънавияти, рафъолиги ва кўнжмагалари эътиборга олинмаганиги, ижтимоий муҳитни бузиштирувчи қилишларнинг миллий ва инсоний сифатлари назар-нида қилинмаганиги, шу ҳудуддаги ижтимоий муҳитни ёмон томонга рақартириб юборди. Одамларда ёлгон сўзлаш, фирромлик қилиш, муъе-на, мол-дунёга берилиш ва ҳокказо ижтимоий ишлатилар одаг тусини олиб етди. Баркамолликка интигаётган одам бундай ижтимоий хасталиқлар-дан фирром бўлмоғи ва бу хасталиқлар билан оғриган қилишлардан ўзини уворқода олиб юрмоғи лозим.

Бунинг учун баркамолликни ўзинга мақсад қилиб олган киши, ўз табиқолига мос қилишларни излаб топиб, улар билан тоза ва соқин, манза-рани она табиат гушларидида мувоқотга қилиши, улар билан фикр ал-маниши ва биргалликда баркамоллик томон юришлари керак.

Шу билан соғлом ва баркамол болани воғта етказишни ва ўзини ўзи тарбиялашни ўзинга мақсад қилиб олган қилишларга берилган тавсияла-рини тутайди.

Китобимизни хулосалаб шуни таъкидлаш жоизки, китоб ёзиладиган мақсад, жамиятимизни кийнаб келатётган, бир қатор ўзаро ўзвий бўлган саволларни ечиб бериш эди.

Шулардан биринчиси ва асосийси, ўсиб келатётган болавларни соғлом ва баркамол қилиб, қайси йўшлар билан тарбияласса бўлади, деган савол жавоб топиш бўлган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, бу саволнинг ечимини топишда, биринчи навбатда, бола тарбиясига фақат ҳар томонлама ва янми ёндошиб, кўзланган мақсадга эришса бўлар экан. Бу эса биздан, ҳозирга замоннинг энг илгор илмий дунёқараши бўлган объектга борлиққа, юз жумладан таълим-тарбия соҳасига мажму сифатида ёндоқишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам китобимизнинг 1-фаслида «Қвант назарияси ва «Мажму ёндашув тамойили»нинг моҳиятини олдий қилиб ва умуман тарзда очиб беришга ҳаракат қилдик. Мажму ёндашув (системный подход) тўғрисида тўлароқ маълумотга эга бўлимоқчи бўлганлар 1973 йили Москвада дунё юзини кўрган Бляуберг И.В. ва Юдин Э.Г. ларнинг «Системология и сущность системного подхода» ҳамда 1976 йили Тошкентда чоп этилган Гладких Б.А. ва бошқаларнинг «Основы системного подхода», шунингдек, шу масалалга ателган бир қатор китобларнинг матнини чақиб, қвант назарияси ва мажму ёндашув тамойилини қисқача маълум қилиб берилган Б.Зиемухаммедов ва бошқаларнинг 2010 йили «Тарфакур» номли рисолида чоп этилган ва 2011 йили «Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмалар» кўригида 1-ўринни эгаллаган «Основы педагогической мастерства и методологии практической реализации региональной модели педагогической технологии» китобларидан биллиб оلسа бўлади.

Бошани соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишдек асосий саволни ҳал этишда бир қатор кўшимча масалаларни ечиминизга тўғри келди олган, ХХI аср кишисида ва биринчи навбатда ўқитувчи ва педагогларга «Қвант назарияси» ва объектга борлиққа «Мажму ёндашув тамойили» билан йўлини излаш. Бу вазифани ўқитувчи ва педагоглардан бошланишимизни сабаби, биринчидан, ўқитувчи ва педагоглар бошқа касб кишиларига нисбатан китоб билан ишлашни ва умуман, мажму фикр юритишни кўчирини урдадан чиқаришларидадир. Иккинчидан, ўқитувчи ва педагоглар, келгусида мажму фикр юрмаси бўлиб етишадиган тўғри фикр эгаларини шакллантириш вазифасини бўйинларига олганлиқларидадир. Бу масалани китобимизнинг 1- ва 6-фаслларида ечиб беришга ҳаракат қилдик.

Бошани соғлом ва баркамол этиб шакллантиришда диннинг ўрни ва асос бўлиб, дунёвий деб ном олган таълим-тарбия тизмида фаолият юргизишчилар бу омилни дээрли эътиборга олмайдилар. Китобимизнинг олдинги кўйилган вазифалардан бири ҳам айнан диний билимлар билан таълим-тарбияда унумли фойдаланиш бўлган. Чунки диний билимлар буюк қонуниятларга асосланган бўлиб, ижтимоий ҳаётга хизмат қилган ботиний билимлар манбаи ҳисобланади. Улар бутун инсоннинг фаровонлигига хизмат қилиб, дээрли ҳатодан холдирлар. Илмий тадқиқотлар орқали олинган ижтимоий фан билимлари (*табиий ва аниқ фанлар бўлардан мустасно*) зоҳирий билимлар бўлиб, инсон манфаатларини келиб чиқиб, у ёки бу томонга отиб, ҳатоларга йўл қўйишлари мумкин. Шунинг учун ижтимоий ҳаётда тўғри йўлни танлаганда ҳам ботиний қан соҳирий билимлардан бирдай фойдаланиш кераклиги натижани беради. Яъни, ижтимоий ҳаётдаги, тадқиқотлар орқали аниқланган билимларни олдинга қуръони қаримда, шу масала устида билдирилган фикрлар билан таққослаб, уни тасдиқлаб олинини лозим. Шунингдек, Қуръони қаримини қандайда, унда сизга керак бўлган масала бўйича билдирилган фикрларнинг тадқиқотлар олиб борилган билимлар билан солиштириб, уларни чин қилишга ямон ҳосил қилиш керак. Чунки ўтган алтомиллар айтганидек, «Қоҳирисиз ботин кўр бўлса, ботинсиз зоҳир чўлқоқдир». Бу масаланинг ечимни китобимизнинг барча саҳифаларидан ўрин олган.

Китобимизда мақсад қилиб кўйилган вазифалардан яна бири, бу таълим-тарбия амалини бажаришда фақат меҳр ва муҳаббатга суянишлар. Чунки таълим-тарбия жараяни руҳ фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг томон – таълим берувчи ва таълим олувчининг руҳи бир нуқтада келишига асосланади. Бошқа барча ҳолларда руҳ устида, демалки, олингандагина амалга ошади. Бошқа барча ҳолларда руҳ устида, демалки, руҳ устида таълим ўтказилган бўлади. Таълим усули орқали эгалланган билимлар туртун бўлмай, тез хотирадан чиқиб кетади. Чунки улар, киши руҳига сингмаган бўлади. Узок ва яқин ўтқинимизда етишиб чиққан «руҳ», ташаббускор мутахассис ва олимлар ўзининг тарбиясини уларни етган ота-онаси, ўқитувчи, педагог ва устозларидан олганлар. Бошқа барча ҳолларда, билими бор, аммо меҳрsiz ва ташаббусsiz, ҳаётда ўз ўзини топа олмаган шахс ва мутахассислар етишиб чиққан. Шунда ҳам, ўқитини топиб кетганлар эса, жуда катта машаққатлар билан ўз устида ишлаб, ўзларини ўзгартириш йўли билан бундай ютуқларга эришганлар. Бу эса ҳамманнинг қўлидан келавермайди.

Навбатдаги китобда кўйилган вазифа, ўқитувчи ва педагогларга йўлчи қолдуз бўлиб хизмат қилиши учун, тарбияланаётган болавларнинг фаолиятлар тизими моҳиятини ва уларни шакллантиришининг йўл-йўриқларини очиб бериш эди. Бу вазифани китобимизнинг 5-фаслида амалга оширдик.

Дарҳақиқат, ўқитувчи ва педагогларга, ўқувчи ва талабалар оғини муайян фан билимларини етказиб бериш баробарида, уларни замон табиғата жавоб берадиган иқтисодий сифатлар, яъни фазилятлар билан ҳам безаш вазифаси юклатилган. Ўқитувчи ва педагогларнинг таълимий максилларини белгилаб берувчи фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари мавжуд бўлса, тарбиявий максилларнинг асосий ғоясини ифодаловчи илмий асосланган, мустақил ўзбекистон боласининг фазилятлар тизими шу маҳалгача расмий тарзда қабул қилинмаган. Ахир, яқин ўтмишнинг маълум даражада маффуралиштирилган бўлса ҳам-ки, «Коммунистик курувчисининг ахлоқ кодекси» мавжуд эди. У барча ўқитувчи ва педагогларга, уларни тарбиявий максиллари учун методологик асос вазифасини ўтаган. Мустақилликка эришганимиздан кейин бу Кодексдан воз кечи янгиси яратилмади. Китобимизнинг 5-фаслида, кўп йиллар мобайнини талқинловчи оғиб бориб, ишлаб чиқилган ва бир неча бор синовлардан ўтган мустақил ўзбекистон фуқаросининг фазилятлар тизими келтирилган. Бу фазилятлар тизими Олий Мажлис муҳокамасидан ўтди, унга керакли тузатишлар киритилганидан кейин, уни Сенат тасдиқлаб берса, Иншооблоқ, ўқитувчи ва педагогларимиз учун, уларни тарбиявий ишларини амалга оширишда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиладиган расмий ҳужжат юзага келади.

Китобимиз соғлом ва баркамол болани воёга етказиш билан шуғулланишни ўзига касб қилиб танлаган ўқитувчи ва педагогларга бағишланганлиги бонис, китобнинг 6-фаслида замонанинг энг янги ўқитиш усули ҳисобланган «Педагогик технология»нинг ўзбек миллий модели тамойиллари ва унинг асосида дарс ва ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш алгоритми билан китобхонларни таништирдик.

Азиз китобхон, севингли юртдошлар, ким бўлишимиздан ва нима билан шуғулланишимиздан катъи назар, шу жамиятда, шу ҳудудда истикомат қилаётганимиздан кейин, нортимиз болаларининг соғлигини ахлоқ ва одоби ҳамда бошқа фазилятларини тўғри шакллантиришни бефарқ бўлмайлик. Болаларимиз жисмоний носог ва ахлоқи бузуқ бўлиб пировард натижада ўзимиз жабр кўрамиз. Агар-ки, болалар соғлигини ва баркамоллигини билан ҳаммамиз бирдай шуғулланмасак, топган молу дунёни ва эришган барча ютуқларимиз зоё.

Болаларимизнинг соғлигини ва баркамоллигини йўллада олиб бориётган савий-харакатиниғизга қўч-қувват ва омад тилайман.

МУНДАРИЖА

Киритиш 3

I ФАСЛ. Ҳозирги замоннинг энг илгор илмий дунёқарashi ва мажмуу ёндашув тамойили 6

II ФАСЛ. Ҳазрати инсон, соғлом бола ва баркамол шахс шунунчалари 15

III ФАСЛ. Шарқ мутафаккирлари соғлиқ ва баркамоллик макоти 28

IV ФАСЛ. Фалсафада соғлиқ ва баркамоллик муаммолари 63

V ФАСЛ. Соғлом ва баркамол бола макомига эришиши учун зарур бўлган фазилятлар 80

VI ФАСЛ. Соғлом болани воёга етказиш билан шуғулланувчи ва унинг ўзи тарбия қилувчилар учун тавсиялар 206

Ҳулоса 236

БҮҲРИ ЗИЯМУҲАМЕДОВ
СОҒЛОМ БОЛА
ШАХСИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Муҳаррир Ш. Бўнаев
Дизайнер Х. Сафархалиев
Саҳифаловчи Х. Исмоилхўжаева

Лицензия АЛ № 168. 23.12.2009.
Босилган 30.06.2014 й. да руҳсат этилди. Бичими 60x84^{1/4}
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қоғози.
Шартли б.т. 15.0. Наҳр т. 15.0. Адади 100 нусха.
Буюртма № 30-06.

Е-mail: tafakkur-qanoti@mail.ru
«Tafakkur qanoti» нашриёти. Тел.: 945-50-87
Тошкент, 1-топ, Мирсоллоҳова кўчаси, 13-уй.
Фабрикат юритувчи манзил: Тошкент, Навоний кўчаси, 30-уй.

Оригинал-макет «ТАФАККУР ҚАНОТИ» масъулияти чекланган жамият
техник ва дастурий воситалар базасида тайёрланди
ва чоп этилди. Тошкент, Навоний кўчаси, 30-уй.